

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК339.5(575.1)

Низамидинов Акмалхўжа Обитхўжаевич

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

5А240109 –Солиқ ва божхона ҳуқуқи

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: ” Молия,банк ва солиқ ҳуқуқи” кафедраси
ю.ф.д.проф.в.б **Х.С.Исламходжаев**

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....

§ 1.1. Божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчаси.....

§ 1.2. Божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг ўзига хос жиҳатлари.....

I боб бўйича хулосалар.....

II БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ТУТГАН ЎРНИ.....

§ 2.1. Божхона соҳасидаги кўптомонлама халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги ўрни.....

§ 2.2. Божхона соҳасидаги иккитомонлама халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги ўрни.....

II боб бўйича хулосалар.....

III БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

§ 3.1. Божхона соҳасидаги халқаро битимларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муаммолари.....

§ 3.2. Божхона соҳасидаги халқаро битимларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш истикболлари.....

III боб бўйича хулосалар.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Дунёдаги ҳеч бир мустақил давлат халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Айниқса бу эндигина мустақил тараққиёт йўлига кирган ёш давлатлар учун катта аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизнинг мустақилликка эришганидан сўнг халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айлангани халқаро муносабатларга интеграциялашув асосида кейинги ривожланиш режаларини, йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш имконини берди.

Ўз навбатида халқаро иқтисодий муносабатларнинг мамлакат ривожига ўрни борасида Президентимиз И.А.Каримов фикрлари ўринли: “Иқтисодий омиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келади. Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларнинг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади. Афсуски, бу қудратли имкониятлардан илгари асосан бутун собиқ Иттифоқ ва унинг Маркази манфаатлари йўлида фойдаланилди, холос”¹.

Мазкур омиллар халқаро муносабатларга интеграциялашувни жадаллаштиришга зарурат туғдирди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу борада сезиларли ютуқларга эришилди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Ўзбекистон ривожланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолмоқда. Қисқа вақт ичида республика Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1993. Б.39.

сақлаш ташкилоти, Халқаро электр-алоқа уюшмаси, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотларга қабул қилинди”¹.

Республиканинг халқаро алоқалари ривожланиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига олиб келади, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига бирлашиши учун янги истиқболлар очади. Ўз навбатида давлатимизнинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши кучларни ва шерик бўлган мамлакатларнинг ресурсларини сафарбар этган ҳолда бир қанча жуда катта миллатлараро лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш, минтақалараро муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ўз навбатида божхона соҳасидаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини қайд этиш мумкин.

Бу борада Президентимиз “...амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати бугун кун тартибида турибди. Мазкур кодекс барча божхона процедуралари бажарилишининг очиқлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши керак”²лигини таъкидлаганлар.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик аъзо-давлатлар олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал этиш билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг ва чегаралардаги контрабанда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1993. Б.184.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2006. Б.191.

жиноятларига қарши курашишнинг ажралмас омили бўлган божхона соҳасидаги ҳамкорликка зарурат туғдиради.

Ўз навбатида Юртбошимиз “божхоналар мамлакат бозорини ҳимоя қилиш воситаларидан бири”¹ эканлигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагиларни таъкидлаганлар: “Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш эркинлаштирилмоқда ва халқаро андозаларга мос ҳолга келтирилмоқда. Бу мақсадда четдан келтириладиган маҳсулотлар учун олинадиган божхона тўловлари унификация қилинди, импортга оид шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Республика ҳудудига олиб кириладиган товарларни мажбурий равишда сертификациялаш тизими, шунингдек, Жаҳон божхона ташкилоти талабларига жавоб берадиган меъёр ва стандартлар жорий этилди”².

Шу билан бирга Юртбошимиз “ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштириш бўйича, божхона тўловларини амалга ошириш тартибларини янада енгилаштириш ва уларни соддалаштириш бўйича, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш лозим. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг халқаро талабларга мувофиқлигини сертификациялаш соҳасидаги ишларни жадаллаштириш зарур”³лигини қайд этганлар.

Ўз навбатида давлатлараро иқтисодий ҳамкорликдан ташқари божхона соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ҳам халқаро ҳамкорликка зарурат туғдиришини таъкидлаш мумкин.

Бу борада Президентимиз бугунги кунда божхона ишларининг такомиллашмагани сабабли, контрабанда товарлари кириб келишидан, божхона тўловлари кам тушаётганидан республика сезиларли даражада

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2006. Б.134.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. 11-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2003. Б.61.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2002. Б.107.

зарар кўраётганини эътироф этиб¹, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва Ҳукумат бошлиқларининг 1998 йил 10 май кунги учрашувида сўзлаган нутқларида иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик ва психотропик моддалар контрабандаси ва божхона қаллобликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро тушуниш ҳақида Меморандум тайёрлаш гоёси бу моддаларнинг ғайриқонуний савдоси ва олиб ўтилишига қарши курашда кўмаклашишини таъкидлаганлар².

Юқорида қайд этилган божхона соҳасидаги ҳақларо ҳамкорлик йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш биринчи навбатда келишаётган давлатларнинг манфаатларини ўзида акс эттирган халқаро битим, шартнома ёки келишув ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу борада хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар фаолиятига назар солсак, ҳозирги кунга қадар дунёнинг турли минтақаларидаги давлатлар манфаатларини жипслаштирувчи божхона соҳасидаги ҳамкорлик борасида кўплаб халқаро келишувлар имзоланганини қайд этиш мумкин.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умум қабул этилган халқаро норма ва қоидаларга яқинлаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги Божхона Конвенцияси, Халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция, Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция ва Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди³.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1998. Б.161.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1999. Б.33.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1998. Б.119.

Ўз навбатида мамлакатимиз билан чегарадош бўлган ва бошқа давлатлар билан иккитомонлама божхона соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар қабул қилинди.

Ушбу шартномаларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаш мумкин. Республикамиз Ҳукумати томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш тўғрисида қабул қилинадиган ҳар қандай қарор ушбу халқаро шартноманинг мамлакатимизга келажақдаги ижобий ва салбий таъсирларини ўрганиш асосида қабул қилинади.

Ўз навбатида давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг янада истиқболли режаларини ишлаб чиқиб уларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳозирги давр турли таҳдидларига қарши саамарали курашиш божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлик борасидаги сиёсатни тўғри белгилашни тақозо этади.

Бу эса божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик борасидаги қайси шартномаларга қўшилиш, уларнинг қайси талабларини қабул қилиш, қайсиларини қабул қилмаслик, ўз навбатида божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг қандай турдаги янада самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш лозим, деган саволларга жавоб топишни талаб этади ҳамда ўз навбатида божхона соҳасидаги халқаро битимларни ҳар томонлама чуқур ўрганишни тақозо этади.

Юқорида қайд этилганлар диссертация мавзусининг долзарблигини, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги тутган ўрни тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Божхона соҳасидаги амалдаги миллий қонунчилигимиз, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, божхона соҳасидаги халқаро битимлар, божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид назарий ёндашувлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги тутган ўрнини таҳлил қилиш асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Мазкур мақсадга эришиш учун тадқиқотчи ўз олдида қуйидаги вазифаларни қўйди:

- божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчасини ўрганиш;
- божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;
- Ҳукуматимиз томонидан имзоланган божхона соҳасидаги халқаро битимларни ўрганиш асосида уларнинг миллий қонунчилигимиздаги ўзига хос ўрнини таҳлил қилиш;
- божхона соҳасидаги халқаро битимларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш муаммоларини таҳлил қилиш;
- божхона соҳасидаги халқаро битимларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш истиқболларини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги ўрнини комплекс тадқиқ қилиш асосида божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиққанликда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот давомида божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчаси, божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг ўзига хос жиҳатлари, Ҳукуматимиз томонидан имзоланган божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги ўзига хос ўрни таҳлил қилинган.

Ўз навбатида тадқиқот давомида божхона соҳасидаги халқаро

битимларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш истиқболларини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).

Тадқиқотнинг назарий асослари хусусида шуни таъкидлаш мумкинки, божхона ҳуқуқи бир қатор олимларимиз томонидан тадқиқ қилинган бўлсада, божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимиздаги тутган ўрни етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган. Мавзуни ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан Х.С.Исламходжаев, С.Исамухамедова, У.Т.Комилов, Ш.Н.Боймуродовларнинг илмий асарлари алоҳида аҳамият касб этди.

Тадқиқот давомида хорижий ҳуқуқшунос олимлардан эса Д.В.Зеркалов, Е.Н.Тимощук, С.Т.Алибеков, А.Н.Сиротский, В.А.Гошин, К.Г.Борисов, Г.И.Тункин каби олимларнинг илмий ишларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Божхона кодекси, божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлик борасида имзоланган халқаро шартномалар, республика Ҳукуматининг, тегишли вазирликларнинг буйруқлари, йўриқномалари, қарорлари, турли ҳуқуқий тизимларга кирувчи хорижий мамлакатлар қонунчилиги тадқиқотнинг норматив асосларини, божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича хорижий мамлакатлар амалиёти тадқиқотнинг эмпирик асосларини ташкил этди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишининг услубий асосини божхона ҳуқуқининг асосий тамойиллари тизими, шунингдек, илмий тамойиллар ҳамда қиёсий-тарихий, тарихий-социологик, мантиқий, тизимли таҳлил, қиёсий-сиёсий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, кузатув, таснифлаш, қиёслаш, умумлаштириш каби услублар ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган илмий натижалардан амалдаги миллий қонунчилигимизнинг божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид нормаларини такомиллаштиришда, шу билан бирга илмий-тадқиқот фаолиятида, ўқув муассасаларида таълим бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, 6 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

§ 2.1. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАР ТУШУНЧАСИ

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг урушнинг вайронкор оқибатларини бартараф этиш, ўз навбатида келажакда бу каби қирғинбарот урушларнинг олдини олиш, умуман олганда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини дунё миқёсида таъминлаш мақсадида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада чуқурлашуви жараёни юз берди.

Бундай ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ томонидан эътироф этилган ўзига хос усул ва воситалар орқали амалга оширилади. Бундай воситалар каторида халқаро шартномаларнинг ўрни бекиёс.

“Халқаро шартнома” тушунчаси борасида халқаро ҳужжатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясида “халқаро шартнома” тушунчасига “бир, икки ёки бир неча бир-бири билан боғлиқ ҳужжатларда акс этганидан, шунингдек, қай тарзда номланишидан қатъий назар давлатлар ўртасида ёзма шаклда тузиладиган ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро шартнома” тарзида таъриф берилган¹.

Мазкур таърифда халқаро шартномаларнинг халқаро ҳуқуқ билан тартибга солиниши ва уларнинг ёзма тарзда тузилишига урғу берилган.

Шунингдек, халқаро шартномаларнинг тушунчаси, уларнинг халқаро ҳуқуқдаги тутган ўрни аксарият олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг бу борадаги ёндашувларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро шартнома тушунчаси борасида И.Лукашукнинг фикрича, “Халқаро шартнома бу – имзоланиши, қўлланилиши ва бекор бўлиши халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги келишув ҳисобланади”². Мазкур таъриф “халқаро шартнома” тушунчасини кенг тарзда қамраб олган.

¹ Бирюков П.Н. Международное право. Учебное пособие. М.: Юристъ. 1998. С.22.

² Лукашук И.И. Современное право международных договоров. М.: «Волтерс Клувер», 2004. С.45.

Ўз навбатида “халқаро шартнома бу икки ёки бир неча халқаро ҳуқуқ субъектининг келишуви бўлиб, бу келишув мажбуриятлар ўрнатиш йўли билан улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилади”¹, деган ёндашув мавжуд бўлиб, халқаро шартномаларда тарафларнинг эрки-иродаси, яъни ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур таърифда ҳуқуқ субъектларининг келишуви фақатгина мажбуриятлар ўрнатиш йўли билан тартибга солинишини тўғри деб бўлмайди. Боиси халқаро шартномаларда тарафларнинг мажбуриятлари билан бирга ҳуқуқлари ҳам белгиланади.

Ўз навбатида мазкур таъриф шартноманинг ўзига хос жиҳатини, яъни халқаро шартнома фақатгина халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан имзоланиши мумкинлигини эътироф этади. Шартноманинг моҳияти эса келишаётган тарафларнинг келишуви ҳисобланади.

Бу борада И.Лукашук ҳақли тарзда “келишув халқаро ҳуқуқнинг нормаларини яратишнинг ягона усули ҳисобланади”, деб таъкидлаган².

Ўз навбатида халқаро шартнома тушунчаси борасида К.Борисов “Халқаро шартнома бу – давлатлар ўртасида турли масалалар ва уларнинг сиёсий, иқтисодий, божхона ва бошқа соҳаларидаги ҳамкорлиги борасида ёзма шаклда тузилган, ихтиёрийлик ва суверен тенгликка асосланган битим”³ эканлигини таъкидлаган.

Ушбу таърифдан халқаро шартномаларнинг давлатлар томонидан маълум соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш учун имзоланиши ва тарафларларнинг суверен тенглигига асосланиши англашилади.

Шунингдек, Б.А.Куркин бу борада тўлиқроқ таъриф берган бўлиб, унинг фикрича, “халқаро шартнома – бу икки ёки бир неча давлатлар ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш, ижро этиш, ўзгартириш ёки бекор қилишга

¹ Международное право/Отв. ред. В.И. Кузнецов, М., 2001. С.94.

² Лукашук И.И. Современное право международных договоров. М.: «Волтерс Клувер», 2004. С.46.

³ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.10.

қаратилган битим ҳисобланади”¹.

Ўз навбатида муаллиф халқаро ҳуқуқ субъектлари бу биринчи навбатда давлатлар эканлигини, бироқ, ҳозирги кунда халқаро ҳаётда халқаро ташкилотлар роли ўсиб бораётганини, мазкур ташкилотлар ҳам халқаро шартномаларни имзолаши ва унинг тарафи ҳисобланишини таъкидлаган².

Ўз навбатида олимлар томонидан халқаро шартномаларнинг одат ҳуқуқидан фарқли жиҳатлари қайд этилган. Бу борада К.Борисовнинг фикрича, халқаро шартноманинг одат ҳуқуқидан фарқи шундаки, халқаро шартнома келишувнинг аниқ шакли бўлиб, турлича талқин этилишдан холи бўлади ва шу сабабли ҳам давлатлар ўртасидаги келишувнинг энг мақбул шаклларида бири ҳисобланади³.

Бу борада шуни таъкидлаш мумкинки, келишув келишаётган тарафларнинг эрки-иродасидан ҳосил бўлади. Бунда тарафлар ўзаро боғлиқлиги сабабли улар ўртасидаги келишувни бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ўз навбатида, замон ва ҳаёт талаблари ўзгариши билан халқаро шартномаларнинг мазмуни ўзгариши мумкинлигини, бироқ, бу ўзгаришлар ҳам ўзаро келишув асосида бўлиши талаб этилишини қайд этиш лозим.

Халқаро ҳуқуқда халқаро шартномаларнинг ўзига хос ўринга эгаллиги, улар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг кенг қамровли эканлигидан халқаро шартномалар алоҳида ҳуқуқ сифатида, яъни халқаро шартномалар ҳуқуқи сифатида ўрганилади. Бу борада Х.Чайд “шартномалар ҳуқуқи бу – шартномаларнинг имзоланиши, талқин этилиши ва бекор бўлишини тартибга солувчи ҳуқуқ”⁴ эканлигини таъкидлаган.

Ўз навбатида “халқаро шартномалар ҳуқуқи” атамасининг умумэтироф этилганлигини қайд этиш лозим. Халқаро ҳуқуқ Комиссияси

¹ Куркин Б.А. Международное право: Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2008. С.57.

² Ўша манбада. С. 57.

³ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.13.

⁴ Хайд Ч.Ч. Международное право. Т. 1. М., 1950. С.252.

томонидан берилган шарҳда “шартномалар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг ушбу соҳасини белгилаш учун қўлланиладиган атама”¹ эканлиги қайд этилган. Ўз навбатида “шартнома” атамаси халқаро келишувларнинг номи, шакли ва иштирокчилари таркибидан қатъий назар халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган барча турдаги халқаро келишувларни қамраб олувчи турга хос тушунча сифатида қабул қилинган.

Бу борада 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясида “шартномалар” деганда фақатгина давлатлар ўртасидаги ёзма келишувлар тушунилиши қайд этилган².

Бу билан халқаро шартномаларнинг икки хусусусиятини, яъни уларнинг фақат давлатлар ўртасида тузилиши ҳамда уларнинг ёзма шаклда тузилиши белгиланган.

Ўз навбатида халқаро шартномаларнинг қабул қилинишида БМТ Уставининг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш лозим. 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси муқаддимасида “иштирокчи-давлатлар халқаро шартномаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида белгиланган халқаро ҳуқуқ принципларини инобатга олган ҳолда имзолайдилар”³, деб белгиланган.

БМТ Уставида белгиланган халқаро ҳуқуқ принциплари императив кучга эга бўлиб, уларга зид келувчи шартномалар ҳақиқий эмас, деб топилади.

Халқаро шартномаларни имзолаш ва уларни қўллашда давлатларнинг ички қонунчилиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунда давлатларнинг Конституцияларида халқаро шартномаларнинг имзоланиши тартиби, ратификация қилиниши лозим бўлган халқаро шартномалар турлари, бу борадаги масъул давлат органлари ва уларнинг ваколатлари белгиланади. Шунингдек, аксарият Конституцияларда ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг давлатнинг ички қонунчилигига нисбатан устуворлиги

¹ Yearbook of the ILC. 1966. Vol. II. P. 188.

² Талалаев А.Н. Венская конвенция о праве международных договоров. Комментарий. М., 1997. С.146.

³ Ўша манбада. Б.142.

эътироф этилган.

Ўз навбатида бир қатор давлатларда, жумладан, Испания, Мексика, Туркия давлатларида халқаро шартномалар тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро шартномалар билан муносабатлар Конституциямиз билан, шунингдек, 1995 йил 22 декабрдаги “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни² билан тартибга солинади.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви” эканлиги белгиланган.

Халқаро шартномалар ҳуқуқининг ҳозирги даврдаги аҳамияти хусусида тўхталадиган бўлсак, уларнинг ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган халқаро тизимни бошқара олиш имкониятини яратиб беришида кўриш мумкин. Ҳозирда шартнома билан тартибга солинмаган халқаро муносабатлар соҳасини топиш қийин. Халқаро шартномалар асосида сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлик масалалари, фан, техника, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалалар тартибга солинади. Ўз навбатида шартномалар асосида халқаро ташкилотлар ташкил этилади ва фаолият юритади. Шунингдек, халқаро шартномаларнинг давлатларнинг ички ҳуқуқидаги салмоқли таъсирини эътироф этиш мумкин.

Ўз навбатида 1969 йилги Вена Конвенциясида халқаро шартномалар халқаро муносабатларни ривожлантириш ва давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик учун шароитларни яратишнинг муҳим воситаси эканлиги қайд этилган³.

¹ Лукашук И.И. Современное право международных договоров. М.: «Волтерс Клувер», 2004. С.47.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 262-модда.

³ Талалаев А.Н. Венская конвенция о праве международных договоров. Комментарий. М., 1997. С.146.

Бу борада Ф.Ф.Мартенснинг фикрича, “давлатларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида имзоланадиган трактатлар уларни имзолаган халқларнинг фуқаро ва маданий ҳаёти ривожланишнинг қайси даражасида эканлигини ҳамда уларнинг давлат тузилиши қай даражада тўғри эканлигини кўрсатади”¹.

Шунингдек, халқаро шартномаларнинг аҳамияти борасида И.Лукашук “ривожланган шартномалар ҳуқуқининг мавжудлиги ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Мазкур соҳа халқаро ҳуқуқда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Сабаби халқаро шартномалар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг барча соҳалари ва институтлари билан боғлиқ”лигини қайд этган². Ўз навбатида Ю.Колосов халқаро шартномалар ролининг ўсиб бораётганини таъкидлаган³.

Юқорида қайд этилганлар асосида “халқаро шартнома” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “халқаро шартнома – бу давлатларнинг суверен тенглиги ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа пинциплари асосида давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида маълум соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш учун тузиладиган, имзоланиши, қўлланилиши ва бекор бўлиши халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган келишув ҳисобланади”.

Мазкур таърифдан келиб чиққан ҳолда божхона соҳасидаги халқаро шартномалар тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

“Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасида “Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг объекти бўлиши мумкин”лиги белгиланган бўлиб, “давлатнинг бошқа соҳалардаги фаолияти” деганда Ўзбекистон Республикасининг божхона фаолиятини ҳам тушуниш мумкин.

¹ Мартенс Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т. 1. СПб., 1904. С.399.

² Лукашук И.И. Современное право международных договоров. М.: «Волтерс Клувер», 2004. С.48.

³ Колосов Ю.М. Некоторые современные вопросы международного права // СГП. 1990. N 11. С.85.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ умуман олганда халқаро муносабатларнинг барча соҳаларини тартибга солса, S.Zamora таъкидлаганидек, “халқаро божхона ҳуқуқи божхона чегарасидан товарлар, жисмионий шахслар, предметлар, хизматлар ва капитал ўтиши жараёнида вужудга келувчи давлатлар ўртасидаги махсус муносабатларни тартибга солади”¹.

Бундан келиб чиқиб, божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчасига “давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида тузиладиган, божхона чегарасидан товарлар, жисмоний шахслар, предметлар, хизматлар ва капитал ўтиши жараёнида вужудга келувчи давлатлар ўртасидаги махсус муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро шартномалар” деб таъриф бериш мумкин.

¹ Zamora S. Is there customary International Economic Law. «Jahrbuch fur Internationales Recht». B., 1989.

§ 2.2. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Халқаро ҳамжамиятда умумий иқтисодий муносабатлар таъсирида ҳуқуқнинг умумий нормалари ва принциплари ишлаб чиқилиши орқали ҳуқуқнинг янада такомиллашиши рўй беради. Ўз навбатида инсоният олдида глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши халқаро ҳуқуқ тизимида давлатлар ҳамкорлигининг йўналишларини белгилаб беради.

Бу борада К.Борисовнинг фикрича, ҳуқуқнинг интеграциялашуви натижасида халқаро ҳуқуқнинг бир қатор янги соҳалари, жумладан, космик ҳуқуқ, атом ҳуқуқи, тиббиёт ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, гуманитар ҳуқуқ, дарё ҳуқуқи, темирйўл ҳуқуқи, иқтисодиёт ҳуқуқи, туризм ва саёҳат ҳуқуқи, илмий-техник ҳамкорлик ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, банк ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳалари ажралиб чиқди¹.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ – бу давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик давомида уларнинг муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари тизими ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ давлатларнинг ички ҳуқуқларидан фарқланадиган ўзининг тартибга солиш предметиға эға бўлиб, унинг доирасида давлатлараро муносабатлар тартибға солинади.

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро божхона ҳуқуқи ўртасидаги умумийликни биринчи навбатда уларнинг мақсадида кўриш мумкин.

Ўз навбатида шуни қайд этиш лозимки, халқаро божхона ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг бир қисми бўлсада, халқаро ҳуқуқдан алоҳида ажралиб чиқишини таъминловчи ўзининг бир қатор жиҳатларига эға. Халқаро ҳуқуқнинг мақсади – бу давлатларнинг ва ўзаро ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларини тартибға солиш ҳисобланади. Ўз навбатида К.Борисов бунинг қаторига давлатларнинг мустақиллигини муҳофаза қилиш, уларнинг индивидуал ва коллектив манфаатларини ҳимоя қилиш,

¹ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.8.

тинчликни, халқаро хавфсизликни, шунингдек, халқаро ҳамкорликни таъминлашни ҳам киритади¹.

Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, халқаро оммавий ҳуқуқнинг мақсадлари халқаро божхона ҳуқуқи томонидан ҳам қабул қилинади.

Ўз навбатида халқаро ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида халқаро шартномаларни қайд этиш лозим.

Бу бир қатор олимлар томонидан ҳам эътироф этилган бўлиб, П.Н.Бирюковнинг фикрича, ҳозирги кунда халқаро шартномалар қуйидаги бир қатор сабаблар туфайли давлатларнинг ўзаро келишувларини тартибга солиш воситаси сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда:

1) оддий нормаларнинг яратилиши узоқ муддатга чўзиладиган жараён бўлиб, айрим пайтларда оддий норманинг мазмунини белгилаб олишда қийинчиликлар юзага келади. Шартномавий норманинг яратилиши эса узоқ вақт талаб қилмайди ҳамда ундаги халқаро ҳуқуқ субъектларининг эрки-иродаси янада тўлиқроқ акс эттирилади;

2) шартномаларни тузиш ва ижро қилиш тартиблари ҳар томонлама ишлаб чиқилган ва белгилаб олинган (1969 ва 1986 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциялар билан);

3) субъектлар эрки-иродасини келиштиришда шартномалар бошқа ҳар қандай воситаларга нисбатан кўпроқ имкониятлар яратади².

Бизнингча, айнан шу каби омиллар халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишнинг шартномавий воситаларидан фойдаланилишини асослаб беради. Ўз навбатида халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро муносабатларда шартномаларнинг муҳим ўрнини, ўз навбатида халқаро шартномаларнинг давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш воситаси сифатида эътироф этишади.

¹ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.8.

² Бирюков П.Н. Международное право. Учебное пособие. М.: Юристъ. 1998. С.64.

Халқаро битимни имзолаш жараёни давлатларнинг маълум масалаларни ҳал этиш ёки маълум қоидаларни белгилаш борасидаги ёндашувларини келишиш орқали амалга оширилади. Бу борада К.Борисовнинг фикрича, “шартнома жараёни – бу давлатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ёки ўзгартиришнинг энг самарали усули бўлганлиги боис, ҳозирги кунда давлатларнинг у ёки бу халқаро миқёсдаги муаммоларини ҳал этишга эҳтиёж туғилганида бу масала халқаро шартнома тузиш орқали ҳал этилади”¹.

Халқаро шартномалар манфаатдор давлатлар ўртасидаги музокараларда тузилади. Бундай музокараларда келишаётган давлатларнинг ўзаро эҳтиёжлари, манфаатларини инобатга олиш асосида келишувга эришилади.

Халқаро битимларни таснифлашда биринчи навбатда уларда иштирок этувчи субъектлар сонидан келиб чиқиб, иккитомонлама ва кўптомонлама халқаро шартномаларга ажратилади.

Шунингдек, халқаро ҳужжатлар турли номлар билан, жумладан, келишув, конвенция, шартнома, трактат, пакт, баённома, ноталар алмашинуви, декларация тарзида аталиши мумкин.

Ўз навбатида халқаро шартномаларнинг ўзига хос жиҳати халқаро шартнома ҳуқуқининг принципларида ҳам намоён бўлишини таъкидлаш мумкин. Бу борада Б.А.Куркиннинг фикрича, халқаро шартномалар ҳуқуқининг муҳим пинципларидан бири бу халқаро мажбуриятларнинг виждонан бажарилиши, яъни *pacta sunt servanda* принципи бўлиб, мазкур принцип халқаро ҳуқуқнинг барча нормаларига татбиқ этилади.

Ўз навбатида муаллиф мазкур принципга риоя қилмаслик халқаро ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бунинг учун давлатлар халқаро жавобгарликка тортилишини қайд этган².

Шунингдек, халқаро шартномалар ҳуқуқининг муҳим

¹ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.11.

² Куркин Б.А. Международное право: Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2008. С.55.

принципларидан бири – бу *pacta tertiis nec nocent nec prosunt*, яъни шартнома учинчи давлатлар учун мажбуриятлар вужудга келтирмаслиги принципи ҳисобланади. Бунда учинчи давлат деганда халқаро шартнома тарафи ҳисобланмаган давлат ҳисобланади. Мазкур принципга кўра шартнома учинчи давлатнинг розилигисиз унинг учун мажбуриятлар ёки ҳуқуқларни вужудга келтирмайди (Вена Конвенциясининг 34-моддаси).

Мазкур принципнинг яна бир муҳим жиҳати бу учинчи давлатларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари халқаро шартнома объекти бўла олмаслиги ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, учинчи давлатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи шартнома ҳақиқий эмас, деб топилади.

Аммо мазкур принципни учинчи давлатларнинг икки давлат ўзаро чегараларини белгилаш ҳақидаги битимларини ҳурмат қилиши лозимлигидан фарқлаш керак. Масалан, икки давлатнинг ўзаро чегараларни белгилаш ҳақидаги битимларини бошқа давлатлар ҳурмат қилиши лозим.

Ўз навбатида халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳамкорлиги асослари сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини эътироф этиш мумкин. Боиси мазкур ҳужжат халқаро ҳуқуқнинг демократик принципларини ўзида акс эттирган бўлиб, мазкур принципларга давлатларнинг суверен тенглиги, миллатларнинг ўз келажагини ўзи белгилаш ҳуқуқи, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро мажбуриятларга риоя қилиниши каби принципларни келтириш мумкин.

Бу борада шуни қайд этиш лозимки, давлатларнинг суверен тенглиги принципи давлатнинг ўз ҳудудида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мустақиллигини, уларнинг чет давлат ҳокимиятига бўйсунмаслигини қамраб олади.

Ўз навбатида К.Г.Борисовнинг фикрича, “давлатнинг суверенитети икки мазмунда ифодаланади, яъни биринчидан давлат суверенитети, иккинчидан, давлатнинг иқтисодий суверенитети. Бунда давлатнинг

иқтисодий суверенитети деганда давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини ҳар қандай чет давлат ва унинг иқтисодий фаолияти аралашувидан сақлаш ва муҳофаза қилиш шакллари ва йўллари танлашда эркинлиги тушунилади”¹.

Бу борада Ж.Дория “халқаро ҳуқуқнинг оддий нормаси сифатида иқтисодий суверенитет давлатларнинг ҳар бири учун ва уларнинг биргаликдаги ўз заҳираларини, бойликларини тасарруф этиш ва бутун иқтисодий фаолиятини юритишда эркинлигини ва халқаро иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқли иштирок этиш ҳуқуқини кафолатловчи давлатларнинг ўзаро мажбуриятларини белгиловчи юридик нормалар йиғиндиси ҳисобланади”², деб таъкидлаган.

Шунингдек, халқаро шартномаларга қўйиладиган талаблар борасида ўзига хос қарашлар илгари сурилган.

Жумладан, Б.А.Куркиннинг фикрича, “халқаро шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва императив нормаларга зид бўлмаса ҳақиқий ҳисобланади”³, деб таъкидлаган.

Мазкур қарашни тўлдирган ҳолда БМТ Устави ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига зид келувчи халқаро нормаларнинг ҳақиқий эмаслигини таъкидлаш мумкин.

Ўз навбатида халқаро ёки минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинадиган халқаро шартномаларнинг ўзига хос ижобий тарафларини қайд этиш мумкин. Халқаро ёки минтақавий ташкилотлар давлатларнинг маълум соҳадаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, ўша соҳадаги қоидаларни бирхиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Бу борада М.Лазаревнинг фикрича, халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинадиган ҳужжатлар иштирокчи-давлатларнинг маълум соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади¹.

¹ Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.18.

² Жозе Дория. Экономический суверенитет Анголы (международно-правовые проблемы). М., 1997. С.60.

³ Куркин Б.А. Международное право: Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2008. С.55.

Халқаро божхона ҳуқуқида ҳам мажбуриятларнинг манбаи бу ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Сабаби айнан улар асосида халқаро божхона муносабатларининг ҳуқуқий оқибатлари вужудга келади².

Ўз навбатида халқаро божхона битимларининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳалари доирасида қабул қилинган битимлардан фарқли, ўзига хос жиҳатлари борлигини қайд этиш лозим.

Божхона битимларининг ўзига хос жиҳатларидан бири уларнинг давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг қарийб барча йўналишларини қамраб олганлигида ҳисобланади. Бундай йўналишларга ташқи савдо, халқаро ташишлар, туризм, халқаро иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, халқаро почта айланмаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг йўқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив материаллар ва муомаласи чекланган бошқа материалларни ғайриқонуний равишда олиб киришни келтириш мумкин.

Шунингдек, халқаро божхона битимларининг ҳозирги кундаги ўзига хос жиҳати сифатида давлатлар томонидан уларнинг божхона муносабатларида ўзаро турли божхона имтиёзларининг белгиланишини келтириш мумкин. Бундай имтиёзлар иккитомонлама халқаро битимларда ҳам, кўптомонлама халқаро битимларда ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, кўптомонлама халқаро битимларда бундай нормаларнинг белгиланиши одатда давлатлар ўртасида ягона божхона ҳудудларини ташкил этиш доирасида амалга оширилади.

Шунингдек, божхона соҳасидаги халқаро битимларда божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш масалалари ҳам белгиланиши мумкин.

¹ Лазарев М.И. Теоретические вопросы современного международного права. М., 1983.

² Док. ООН. A/CN. 4/486 от 5 марта 1998 г. Комиссия международного права. С. 59-131.

Ундан ташқари божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг давлатлараро божхона чегараларидан товарлар, жисмоний шахслар ва бошқа предметларнинг ўтишини тартибга солади ва бу билан контрабанда ва божхона соҳаси билан боғлиқ бошқа жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари, усул ва воситаларини белгилаб беради.

Юқорида қайд этилганлар асосида божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг биринчи навбатда давлатларнинг иқтисодий суверенлигини таъминлашини, шунингдек, давлатлараро божхона чегараларидан товарлар, жисмоний шахслар ва бошқа предметларнинг ўтишини тартибга солишини, давлатлар ўртасида уларнинг суверен тенглигини эътироф этган ҳолда ўзаро келишув асосида имзоланишини, умуммажбурий қоидаларни ўзида мужассам этишини, ўз навбатида божхона соҳасида ўзаро имтиёзлар берилишига, контрабанда ва божхона соҳаси билан боғлиқ бошқа жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари, усул ва воситаларини белгилашга қаратилганини таъкидлаш мумкин.

1-боб бўйича хулосалар

Тадқиқотнинг 1-бобида қайд этилганларни умумлаштирган ҳолда такидлаш мумкинки, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ томонидан эътироф этилган ўзига хос усул ва воситалар орқали амалга оширилади. Бундай воситалар қаторида халқаро шартномаларнинг ўрни бекиёс.

Халқаро шартномалар ҳуқуқининг ҳозирги даврдаги аҳамиятини уларнинг ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган халқаро тизимни бошқара олиш имкониятини яратиб беришида кўриш мумкин. Ҳозирда шартнома билан тартибга солинмаган халқаро муносабатлар соҳасини топиш қийин. Халқаро шартномалар асосида сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлик масалалари, фан, техника, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалалар тартибга солинади. Ўз навбатида шартномалар асосида халқаро ташкилотлар ташкил этилади ва фаолият юритади. Шунингдек, халқаро шартномаларнинг давлатларнинг ички ҳуқуқидаги салмоқли таъсирини эътироф этиш мумкин.

Халқаро шартномаларни имзолаш ва уларни қўллашда давлатларнинг ички қонунчилиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунда давлатларнинг Конституцияларида халқаро шартномаларнинг имзоланиши тартиби, ратификация қилиниши лозим бўлган халқаро шартномалар турлари, бу борадаги масъул давлат органлари ва уларнинг ваколатлари белгиланади. Шунингдек, аксарият Конституцияларда ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг давлатнинг ички қонунчилигига нисбатан устуворлиги эътироф этилган.

Халқаро шартнома тушунчаси борасидаги қарашлар ва божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳли қилиш асосида божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчасига “давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида тузиладиган, божхона чегарасидан товарлар, жисмоний шахслар, предметлар, хизматлар ва

капитал ўтиши жараёнида вужудга келувчи давлатлар ўртасидаги махсус муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро шартномалар” деб таъриф бериш мумкин.

Ҳуқуқнинг интеграциялашуви натижасида халқаро ҳуқуқнинг бир қатор янги соҳалари, жумладан, космик ҳуқуқ, атом ҳуқуқи, тиббиёт ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, гуманитар ҳуқуқ, дарё ҳуқуқи, темирйўл ҳуқуқи, иқтисодиёт ҳуқуқи, туризм ва саёҳат ҳуқуқи, илмий-техник ҳамкорлик ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, банк ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳалари ажралиб чиққанини қайд этиш мумкин.

Ўз навбатида шуни қайд этиш лозимки, халқаро божхона ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг бир қисми бўлсада, халқаро ҳуқуқдан алоҳида ажралиб чиқишини таъминловчи ўзининг бир қатор жиҳатларига эга. Халқаро ҳуқуқнинг мақсади – бу давлатларнинг ва ўзаро ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади.

Ўз навбатида халқаро ҳуқуқнинг барча соҳалари бўйича халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида халқаро шартномаларни қайд этиш лозим.

Шунингдек, халқаро ҳужжатлар турли номлар билан, жумладан, келишув, конвенция, шартнома, трактат, пакт, баённома, ноталар алмашинуви, декларация тарзида аталиши мумкин.

Халқаро божхона ҳуқуқида ҳам мажбуриятларнинг манбаи бу ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Сабаби айнан улар асосида халқаро божхона муносабатларининг ҳуқуқий оқибатлари вужудга келади.

Ўз навбатида халқаро божхона битимларининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳалари доирасида қабул қилинган битимлардан фарқли, ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қаторида халқаро божхона битимларининг давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг қарийб барча йўналишларини, жумладан, ташқи савдо, халқаро ташишлар, туризм, халқаро иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, халқаро почта айланмаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг йўқолиб

бораётган турларини сақлаб қолиш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив материаллар ва муомаласи чекланган бошқа материалларни ғайриқонуний равишда олиб киришни келтириш мумкин.

Шунингдек, халқаро божхона битимларининг ҳозирги кундаги ўзига хос жиҳати сифатида давлатлар томонидан уларнинг божхона муносабатларида ўзаро турли божхона имтиёзларининг белгиланишини келтириш мумкин. Бундай имтиёзлар иккитомонлама халқаро битимларда ҳам, кўптомонлама халқаро битимларда ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, кўптомонлама халқаро битимларда бундай нормаларнинг белгиланиши одатда давлатлар ўртасида ягона божхона ҳудудларини ташкил этиш доирасида амалга оширилади.

Ундан ташқари божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг давлатлараро божхона чегараларидан товарлар, жисмоний шахслар ва бошқа предметларнинг ўтишини тартибга солади ва бу билан контрабанда ва божхона соҳаси билан боғлиқ бошқа жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари, усул ва воситаларини белгилаб беради.

Қайд этилганлар асосида божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг биринчи навбатда давлатларнинг иқтисодий суверенлигини таъминлашини, шунингдек, давлатлараро божхона чегараларидан товарлар, жисмоний шахслар ва бошқа предметларнинг ўтишини тартибга солишини, давлатлар ўртасида уларнинг суверен тенглигини эътироф этган ҳолда ўзаро келишув асосида имзоланишини, умуммажбурий қоидаларни ўзида мужассам этишини, ўз навбатида божхона соҳасида ўзаро имтиёзлар берилишига, контрабанда ва божхона соҳаси билан боғлиқ бошқа жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари, усул ва воситаларини белгилашга қаратилганини таъкидлаш мумкин.

**2-БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ТУТГАН ЎРНИ
§ 2.1. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ КЎПТОМОНЛАМА ХАЛҚАРО
БИТИМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ЎРНИ**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва бу борада дунёнинг кўплаб давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. Ўз навбатида мустақилликнинг дастлабки йилларида божхона соҳасидаги ҳамкорлик борасила ҳам ижобий қадамлар ташланганини таъкидлаш мумкин.

Жумладан, 1992 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон божхона ташкилотининг фаол аъзосига айланди ва мунтазам равишда ташкилотнинг йиллик анжуманларида мамлакатимиз вакиллари самарали иштирок этиб келмоқда. Дунёнинг 179 давлатини ўзида бирлаштирган мазкур ташкилот дунё ҳамжамияти томонидан “Халқаро божхона тажрибаси маркази” деб эътироф этилади. Божхона хизматини жаҳон стандартларига яқинлаштириш мақсадида мамлакатимиз халқаро божхона амалиётлари билан боғлиқ 15 дан ортиқ халқаро конвенцияларга аъзо бўлган¹.

Божхона соҳасидаги халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг давлатлар ўртасидаги божхона муносабатларини мувофиқлаштириш, товарларни экспорт-импорт қилишда божхона божлари ва бошқа йиғимларни тўлашда имтиёз ва енгилликлар белгилаш, ўз навбатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, муомаладан чиқарилган товарларнинг божхона чегаралари олиб ўтилишининг олдини олиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига қаратилганини таъкидлаш мумкин.

¹ <http://www.customs.uz/uz/events/about/15>.

Мазкур халқаро шартномаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш уларнинг миллий қонунчилигимиздаги тутган ўрнини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”.

Бундан келиб чиқиб, мамлакатимиз раҳбарияти давлатимиз манфаатларига мувофиқ келувчи турли халқаро ташкилотлар, давлатлараро тузилмаларга аъзо бўлиши мумкин.

Худди шу мақсадда 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартнома Ўзбекистон Республикасидан ташқари бошқа Марказий Осиё давлатлари ва Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Молдова ва Украина давлатлари ўртасида имзоланган бўлиб, мазкур шартнома давлатлар ўртасида товарлар экспорти ва импортида божхона божлари ва бошқа йиғимларни йиғишда улардан озод этиш ёки енгиллик беришни кўзда тутди.

2013 йил 31 майда Минскда Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённома имзоланган бўлиб, мазкур Баённома Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрьдаги ЎРҚ-362-сон Қонуни¹ билан ратификация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Эркин савдо худуди тўғрисидаги Шартноманинг тегишли моддаларига қўшилган.

Мазкур Баённомага 1-илованинг 1-бандида Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Украина Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан келиб чиққан товарларнинг импортига нисбатан божхона божларини қўлламаслиги, ўз навбатида

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 687-модда.

Ўзбекистон Республикасининг санаб ўтилган давлатлар божхона худудидан келиб чиққан товарларнинг импортига нисбатан божхона божларини қўлламаслиги белгиланган.

Шунингдек, 1965 йил 8 июля Нью-Йоркда Қитъа ичкарасидаги давлатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган бўлиб, мамлакатимиз мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрьдаги 187-І-сон Қарори¹ билан қўшилган.

Мазкур Конвенциянинг муқаддимасида “Денгиз қирғоғига эга бўлмаган давлатлар қирғоқбўйи давлатлари билан тенг ҳуқуқларда денгиз эркинлигидан фойдаланишлари учун денгиз эркин чиқишга эга бўлишлари лозим. Ушбу мақсадларда денгиз ва денгиз қирғоғига эга бўлмаган давлат ўртасида жойлашган давлатлар мазкур давлат билан умумий келишувга кўра ҳамда мавжуд халқаро конвенцияларга мувофиқ денгиз қирғоғига эга бўлмаган давлатга ўзаролик асосида ўз худудидан эркин ўтиш йўлини тақдим этиши ва мазкур давлат байроғи остида ҳаракатланадиган кемаларга ўз кемалари ва бошқа кемалар билан тенглик шартлари асосида денгиз портларига чиқишга ва улардан фойдаланишга рухсат беришлари лозим”лиги белгиланган.

Шунингдек, Конвенциянинг IV Принципида транзит товарларидан божхона божлари олиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Мазкур Конвенцияда қўлланилган атамаларга назар соладиган бўлсак, 1-модданинг “а” бандида “қитъа ичкарасидаги давлат” атамасига “денгиз қирғоғига эга бўлмаган ҳар қандай Келишаётган давлат” сифатида таъриф берилган. Мазкур модданинг “с” бандида эса “транзит давлат” атамасига “денгиз қирғоғига эга бўлган ва эга бўлмаган, қитъа ичкарасидаги давлат ва денгиз ўртасида жойлашган, худудидан транзит ҳаракатланиш амалга ошириладиган ҳар қандай Келишаётган давлат” сифатида таъриф берилган.

Мазкур Конвенцияда қитъа ичкарасидаги давлатларнинг денгизга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 277-модда.

чиқишларига ҳар томонлама имкон яратиш мақсадида транзит давлатларига бир қатор мажбуриятлар юкланганини таъкидлаш мумкин. Жумладан, Конвенциянинг 2-моддаси 3-бандида “Ҳар бир Келишаётган давлат ўз қонунлари, қоидалари ва қарорларига мувофиқ транзит ҳаракатланиши зарур бўлган шахсларга ўз ҳудудидан ёки бундай ҳудуддан ҳаракатланишга рухсат беради”, деб белгиланган.

Географик жойлашувига кўра қитъа ичкарасида жойлашган давлатлар сони кўплигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур Конвенция бундай давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда денгиз қирғоғига эга бўлган давлатлар билан тенг ҳуқуқларда фойдаланишларига йўл очиб берган.

Ўз навбатида транзит давлатлари ҳудудидан фойдаланганлик учун божхона божлари ва бошқа йиғимлар ундирилиши масалаларида ҳам худди шу тамойил асосида ёндашилган. Жумладан, Конвенциянинг 3-моддасига кўра “Транзит ҳаракатланганлик учун транзит давлат ҳудудидаги ҳар қандай ҳокимият томонидан импорт ёки экспорт муносабати билан божхона божлари ёки солиқлар ёхуд транзит муносабати билан алоҳида йиғимлар ундирилмайди. Шунга қарамай бундай транзит ҳаракатланганлик учун фақатгина транзит харажатларини назорат қилиш харажатлари ва маъмурий харажатларини қоплаш учун йиғимлар ундирилиши мумкин. Мазкур йиғимларнинг ставкалари улар асосида қоплаш белгиланган харажатларга максимал даражада мувофиқ бўлиши ва мазкур қоидага риоя қилинган ҳолда йиғимлар 2-модданинг 1-бандида белгиланган камситишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талаб асосида ундирилиши лозим”.

Шунингдек, Конвенциянинг 8-моддасида “Транзит давлатларининг кириш ва чиқиш портларида мазкур давлатлар ва қитъа ичкарасидаги давлатлар ўртасидаги келишувга мувофиқ транзит ҳаракатланиш қулайлиги учун эркин ҳудудлар ва бошқа божхона имкониятлари яратилиши мумкин”лиги белгиланган.

Шунингдек, юкларни ташиш соҳасида 1975 йили Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 131-I-сон Қарори¹ билан қўшилган.

Мазкур Конвенцияда юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси “МДП” деб номланган бўлиб, 1-модда “а” бандида “МДП операцияси” тушунчасига “юкларнинг жўнаш жойи божхонасидан белгиланган жой божхонасига қадар мазкур Конвенцияда белгиланган МДП таомилларига риоя қилинган ҳолда ташиш” сифатида таъриф берилган.

Конвенциянинг 4-моддасида эса МДП таомиллари асосида ташиладиган юклар оралиқ божхоналарда кириш ёки чиқиш божлари ва йиғимларини тўлашдан озод этилиши, шунингдек, 5-моддаси 1-қисмида таомиллари асосида пломбаланган йўл транспорт воситаларида, транспорт воситаларининг пломбаланган таркибларида ёки пломбаланган контейнерларда ташиладиган юклар оралиқ божхоналарда кўрикдан ўтказилмаслиги белгиланган.

Ўз навбатида мазкур модданинг 2-қисмида суистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида ҳолларда ҳамда қоидабузарликлар гумон қилинганда божхона органлари бундай божхоналарда юкларни кўрикдан ўтказишлари мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, 1972 йили Контейнерлар хусусида божхона Конвенцияси қабул қилинган бўлиб, мамлакатимиз мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 295-I-сон Қарори² билан қўшилган.

Мазкур Конвенциянинг муқаддимасида Тарафлар контейнерларнинг халқаро ташилишини кенгайтириш ва енгиллатиш мақсадида мазкур Конвенцияни имзолашлари қайд этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 206-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 158-модда.

Мазкур Конвенцияда “вақтинчалик кириш” атамаси қўлланилган бўлиб, 1-модданинг “b” бандига кўра “вақтинчалик кириш” бу божхона божлари ва йиғимларидан озод қилинган ҳолда ҳамда импорт тақиқлари ва чекловларини қўлламаган ҳолда кейинчалик чиқиш шарти билан амалга оширилган вақтинчалик киришни англатади.

Ўз навбатида Конвенциянинг 2-моддасида мазкур Конвенцияда назарда тутилган шартлар контейнерларга татбиқ этилиши учун контейнерлар 1-илованинг қоидаларига мувофиқ маркаланиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, 4-модданинг 1-бандида эса вақтинчалик кириш таомиллари асосида олиб кирилган контейнерлар улар олиб кирилган санадан бошлаб 3 ой давомида олиб чиқилиши лозимлиги, ўз навбатида мазкур муддат ваколатли божхона органлари томонидан узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўз навбатида 1982 йил 21 октябрда Женевада Чегараларда юклар назоратини амалга ошириш шартларини келишиш тўғрисидаги Халқаро конвенция қабул қилинган бўлиб, мамлакатимиз мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 294-I-сон Қарори¹ билан қўшилган.

Мазкур Конвенциянинг 2-моддасида унинг қабул қилинишидан мақсад белгиланган бўлиб, унга кўра “Юкларни халқаро ташишни осонлаштириш мақсадида мазкур Конвенция расмийликларга риоя қилиш бўйича талабларни, шунингдек, назорат турлари ва давомийлигини, хусусан, назорат таомиллари ва уларни қўллаш методларини миллий ва халқаро миқёсда мувофиқлаштириш йўли билан қисқартиришни мақсад қилади”.

Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, давлатлар чегаралари орқали ташиладиган юкларнинг турли назоратларини мувофиқлаштириш ва қисқартириш мақсадида Конвенциянинг 1-моддасида назоратнинг турли

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 160-модда.

турларига, жумладан, “божхона назорати”, “тиббий-санитар назорат”, “ветеринар назорат”, “фитосанитар назорат”, “техник стандартларга мувофиқлик назорати”, “сифат назорати” каби тушунчаларга таъриф берилган. Бундан келиб чиқиб, Конвенция давлатлар чегаралари орқали ташиладиган юкларни назорат қилишнинг мазкур турларини амалга оширишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўз навбатида Конвенциянинг 3-моддасида “Мазкур Конвенция кириш, чиқиш ёки бир ёки ундан ортиқ денгиз, ҳаво ёки қуруқликдаги чегаралардан транзит олиб ўтиладиган юкларга нисбатан татбиқ этилади. Мазкур Конвенция Келишаётган Томонларнинг барча назорат хизматларига нисбатан татбиқ этилади”, деб белгиланган.

Шунингдек, 10-моддада транзит олиб ўтиладиган юкларни назорат қилиш масалалари белгиланган бўлиб, унга кўра “Келишаётган Томонлар имкон даражасида транзит юкларга нисбатан, айниқса халқаро божхона транзити тизимига мувофиқ ташиладиган юкларга нисбатан, уларнинг назоратини фақатгина вужудга келган ҳолатлар ёки таваккалчиликлар билан ўзини оқлаган ҳолларда ўтказилишини белгилаган ҳолда оддий ва тезлаштирилган назорат режимини қўллашга келишадилар. Ўз навбатида улар денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларнинг ҳолатини инобатга оладилар”.

Ўз навбатида шунини таъкидлаш лозимки, мазкур Конвенция божхоналардаги назоратнинг ўзига хос жиҳатларини батафсил тартибга солмасдан, бу борадаги назоратни мувофиқлаштириш ва қисқартиришнинг умумий масалаларини белгилаган. Мазкур масаланинг батафсил тартибга солинишини эса давлатлар ўртасида кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар орқали амалга оширилишини белгилаган. Жумладан, Конвенциянинг 6-моддасида “Келишаётган Томонлар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда мазкур Конвенциянинг мақсадларига эришиш учун ваколатли халқаро органлар билан зарурий ҳамкорлик қилиш мажбуриятини зиммаларига олишади, шунингдек, зарур ҳолларда янги

кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар ёки келишувларни имзолашга ҳаракат қилишади”, деб белгиланган.

Шу билан бирга божхона соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида минтақа доирасида тузилган халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини таъкидлаш мумкин. Бу борада Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик яққол мисол бўла олади.

Жумладан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ШХТ аъзо давлатлари чегарасидан ўтказилишининг олдини олиш мақсадида 2007 йил 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрида “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо-давлатлари Ҳукуматлари ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги” Битим¹ имзоланган бўлиб, мазкур ҳужжатнинг 4-моддаси 1-бандида “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний муомаласини бартараф этиш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида божхона хизматлари олдиндан сўров юбормасдан ва энг қисқа муддатларда бир-бирларига қуйидаги маълумотларни юборишади:

а) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари билан ноқонуний шуғулланаётганликлари маълум бўлган ёки гумон қилинаётган шахслар ҳақидаги;

б) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний муомаласи учун фойдаланилаётганилиги маълум бўлган ёки бундай фойдаланишда шубҳа уйғотаётган транспорт воситалари, шунингдек, контейнерлар ва почта жўнатмалари ҳақидаги”.

Мазкур ҳужжатнинг 5-моддаси 2-бандида эса “Божхона хизматлари энг қисқа муддатларда ўз ташаббуслари билан ёки сўров асосида қуйидаги маҳсулотларнинг ўтказилиши билан боғлиқ тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган бир Томон божхона қонунчилиги бузилиши ҳақидаги барча зарур маълумотларни тақдим этади:

а) атроф табиий муҳитга ёки аҳоли саломатлигига хавф туғдириши

¹ <http://www.pavlodar.com>

мумкин бўлган маҳсулотлар;

б) қуроллар, ўқ-дори­лар, портловчи ва заҳарловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва ядровий материаллар;

в) террористик ва/ёки экстремистик йўналишдаги ёки миллатлараро ва/ёки ирқлараро асосда душманлик ва бузуғчиликни қўзғатиш аломатлари мавжуд бўлган адабиётлар, аудио ва видео мате­риллар;

...з) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, шунингдек, атроф табиий муҳитга ва аҳоли саломатлигига хавф туғдирувчи моддалар”¹.

Шунингдек, 2009 йил октябрда ШХТ ҳуку­мат раҳбарлари Кенгаши божхона органлари мансабдор шахсларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги баённомани имзолашган.

¹ <http://www.pavlodar.com>

§ 2.2. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ИККИТОМОНЛАМА ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимиз томонидан божхона соҳасида ҳамкорлик борасида кўплаб битимлар имзоланган. Мазкур битимларда кўплаб масалалар юзасидан ҳамкорлик назарда тутилган.

Жумладан, 1994 йил 15 апрелда Москвада “Божхона ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Келишув имзоланган бўлиб, мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 7 ноябрдан кучга кирган.

Битимнинг 2-моддасига кўра “Мазкур Битимга мувофиқ божхона хизматлари ўз ваколатлари доирасида ҳамда Томонларнинг қонунчилигига риоя қилган ҳолда: а) Томонлар ўртасида йўловчи ва юк ташилишини такомиллаштириш; б) божхона божлари, йиғимлари ва бошқа тўловларнинг тўғри йиғилишини, шунингдек, божхона имтиёзларининг қўлланилишини таъминлаш; в) божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш мақсадларда ҳамкорликни амалга оширадилар”.

Шунингдек, Битимнинг 3-моддаси 1-бандида “Божхона хизматлари: а) ўзаро келишув асосида божхона расмийлаштирувини соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўрадилар; б) бир-бирларининг божхона таъминловларини (пломбалар, босма муҳрлар, штамплар), божхона ҳужжатларини тан оладилар ва зарурат туғилганда ўз божхона таъминловларини ўтказилаётган товарларга нисбатан қўллайдилар”, деб белгиланган.

Ўз навбатида давлатлараро божхона соҳасидаги ҳамкорлик доирасида енгилликлар яратиш мақсадида Битимнинг 3-моддаси 2-бандида “Транзит тарзида ҳаракатланувчи товарлар ва транспорт воситалари, истисно тариқасида уларнинг кириши, чиқиши ва транзити Томонлар қонунчилигига мувофиқ тақиқланганлиги ҳақида хулоса қилишга асос бўлган ёки божхона ҳуқуқбузарлиги содир этилган ҳоллардан ташқари божхона кўригидан озод этилади”, деб белгиланган.

Битим доирасидаги ҳамкорликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш алоҳида аҳамият касб этган. Бу борада Битимнинг 6-моддасида “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш, тергов қилиш ва бартараф этиш бўйича чораларни фаоллаштириш мақсадида божхона хизматлари олдиндан сўров юбормасдан ҳамда имкон борича қисқа муддатларда бир-бирларига куйидагилар ҳақида маълумотлар тақдим этадилар: а) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланувчи ёки бунга гумон қилинаётган шахслар ҳақида маълумотлар; б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси учун фойдаланилаётган ёки бундай фойдаланилаётганлиги ҳақида гумон қилинаётган транспорт воситалари, шу жумладан, контейнерлар ва почта жўнатмалари ҳақида маълумотлар”.

Ўз навбатида бу борадаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур моддада божхона хизматлари олдиндан сўров юбормасдан бир-бирларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг қўлланилаётган усуллари, шунингдек, уларни назорат қилишнинг янги методлари ҳақида хабардор қилишлари, ҳар қандай тарафдан олинган маълумотлар, хабарномалар ва ҳужжатлар давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва наркомания ва гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашувчи бошқа давлат органларига берилиши мумкинлиги, Томонлар қонунчилигига мувофиқ ҳамда ўзаро келишув асосида зарурат туғилганда ноқонуний муомалага алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида божхона хизматлари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни назорат остида етказиб бериш методидан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган.

Ўз навбатида Битимнинг 9-моддаси 1-бандида “Бир Томон божхона хизматининг сўровига мувофиқ иккинчи Томон божхона хизмати мазкур

Битимнинг 2-моддаси “б” ва “в” бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан текширув ёки тергов ўтказади. Текширув ёки тергов натижалари сўраётган божхона хизматига маълум қилинади”, деб белгиланган.

Ўз навбатида мамлакатимиз божхона соҳасида ҳамкорлик борасида кўплаб давлатлар билан иккитомонлама битимларни имзолаган бўлиб, уларга мисол тариқасида (хронологик тартибда) қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Россия Федерацияси ҳукумати билан Ноқонуний равишда олиб чиқиладиган ва олиб кириладиган маданий бойликларни ушлаш ва қайтариш масалалари бўйича божхона хизматлари ҳамкорлиги тўғрисида Битим (1994 йил 2 март, Москва);

- Литва ҳукумати билан Божхона қонунларини бузишга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида Битим (1995 йил 7 июнь, Вильнюс);

- Латвия ҳукумати билан Божхона ишида ўзаро ёрдам тўғрисида Битим (1996 йил 23 май, Тошкент);

- Грузия ҳукумати билан Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Битим (1996 йил 28 май, Тбилиси);

- Туркия ҳукумати билан Уларнинг божхона органларининг ўзаро кўмаклашиши бўйича Битим (1997 йил 18 ноябрь, Анқара);

- Исроил ҳукумати билан Божхона иши соҳасида ўзаро кўмаклашув тўғрисида Битим (1998 йил 15 сентябрь, Қуддус);

- Қозоғистон Республикаси билан Божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битим (1998 йил 31 октябрь, Тошкент);

- Эрон Ислом Республикаси ҳукумати билан Уларнинг божхона маъмуриятларига ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Битим (1999 йил 12 июнь, Тошкент);

- Корея Республикаси ҳукумати билан Божхона ишларида ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (1999 йил 5 октябрь, Сеул);

- Нидерландия қироллиги ҳукумати билан Божхона ишларида ўзаро маъмурий кўмаклашув тўғрисида Битим (2000 йил 11 февраль, Гаага);

- Ҳиндистон ҳукумати билан Уларнинг божхона органларига ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (2000 йил 2 май, Дехли);
- Қирғизистон ҳукумати билан Божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битим (2000 йил 27 сентябрь, Бишкек);
- Италия ҳукумати билан Божхона ишларида ўзаро маъмурий ҳамкорлик тўғрисида Битим (2000 йил 21 ноябрь, Рим);
- Миср Араб Республикаси ҳукумати билан Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (2001 йил 19 июнь, Тошкент);
- Бельгия қироллиги билан Божхона ишларида ўзаро маъмурий кўмаклашув тўғрисида Битим (2002 йил 1 ноябрь, Тошкент);
- Чехия ҳукумати билан Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (2003 йил 15 апрель, Прага);
- Польша ҳукумати билан Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Битим (2003 йил 10 июл, Варшава);
- Словакия ҳукумати билан Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (2004 йил 2 июнь, Тошкент);
- Хитой Халқ Республикаси ҳукумати билан Божхона иши соҳасида ўзаро кўмаклашиш тўғрисида Битим (2005 йил 25 май, Пекин);
- Финляндия ҳукумати билан Божхона иши соҳасида ўзаро кўмаклашиш тўғрисидаги Битим (2008 йил 28 март, Тошкент);
- Иордания қироллиги ҳукумати билан Божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисида Битим (2011 йил 30 март, Тошкент).

Мазкур Битимларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик назарда тутилганини қайд этиш мумкин:

- давлатлар ўртасида йўловчилар ва юк ташишни осонлаштириш ва жадаллаштириш мақсадида ўзаро келишувга кўра бож расмийлаштиришларини соддалаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Қозоғистон

ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси,);

- транзит товарлар ва транспорт воситаларини божхона текширувидан озод этиш (истиснолар билан) (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси,);

- сўраётган Томон божхона органига божхона юк баённомаси билан бирга тақдим этилган расмий ҳужжатларнинг аслига тўғрилиги; бошқа Томон ҳудудидан сўраётган Томон ҳудудига олиб кирилган товар қонуний экспортга тегишлилиги; сўраётган Томон ҳудудидан сўралаётган Томон ҳудудига олиб чиқилган товар қонуний импортга тегишлилиги ҳақида маълумот тақдим этиш (Туркия ҳукумати билан Битимнинг 4-моддаси, Исроил ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Эрон ҳукумати билан Битимнинг 4-моддаси, Корея Республикаси ҳукумати билан Битимнинг 4-моддаси, Нидерландия қироллиги билан Битимнинг 6-моддаси);

- божхона идоралари томонидан ундириладиган божхона божлари, бошқа солиқлар, тўловлар ва йиғимларни ундиришда, ва хусусан, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш ва уларнинг тариф классификациясини белгилашда ёрдам берадиган ахборотни, импорт ва экспортга тақиқлаш ва чеклашларни қўллаш бўйича ахборотни ўзаро алмашиш (Латвия ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Корея Республикаси ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси);

- бошқа Томоннинг божхона қонунларини бузгани маълум бўлган ёки бунда гумон қилинаётган жисмоний ёки юридик шахслар, қонунсиз оборотда ишлатилаётганлиги маълум бўлган ёки шундай деб фараз қилишга асослар бўлган товарлар ва транспорт воситалари, Томонларнинг божхона қонунларини бузишда татбиқ этилаётганлиги маълум бўлган ёки шундай деб фараз қилишга асослар бўлган усул ва воситалар ҳақидаги барча ахборотни ҳавола этиш (Литва ҳукумати билан Битимнинг 7-моддаси, Латвия ҳукумати билан Битимнинг 5-моддаси, Эрон ҳукумати билан Битимнинг 11-моддаси, Корея Республикаси ҳукумати билан Битимнинг 13-моддаси, Нидерландия қироллиги билан Битимнинг 7-

моддаси);

- иккинчи Томон ҳудудида амалда бўлган божхона қонунчилигини бузганлиги маълум бўлган ёки гумон қилинаётган шахсларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишлари, хусусан ўз ҳудудларига кириш ва ундан чиқишлари устидан, иккинчи Томон ҳудудида амалда бўлган божхона қонунчилигини бузишда фойдаланилгани маълум бўлган ёки гумон қилинаётган ҳар қандай транспорт воситалари устидан, иккинчи Томон божхона идорасининг маълумотларига кўра унинг ҳудудига ёки ундан ғайриқонуний товар айланишини жиддий кенгайтираётган ёки бунда гумон қилинаётган товарларнинг олиб кетилиши устидан назорат олиб бориш (Литва ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Латвия ҳукумати билан Битимнинг 5-моддаси,);

- гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар контрабандаси ёки ноқонуний обороти билан шуғулланаётганлиги маълум бўлган ва ёки бундай ишда гумон қилинаётган шахслар тўғрисида, гиёҳванд моддалар ва психотроп моддаларни контрабанда йўли билан олиб келишда фойдаланиладиган ёки ана шундай фойдаланишда гумон қилинаётган ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситалари контейнерлари ва посилкалари тўғрисида, гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар билан ноқонуний оборот қилишда қўлланилаётган контрабанда усуллари ва методлари, шунингдек уларни назорат қилиш янги методларининг самаралилиги тўғрисидаги маълумотларни бир-бирларига сўровларсиз тақдим этиш (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 5-моддаси, Исроил ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 5-моддаси, Корея Республикаси ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Нидерландия киролиги билан Битимнинг 4-моддаси);

- гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунсиз оборотида иштирок этувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини кўриш мақсадида ўзаро мувофиқлаштирилган келишувлар асосида назорат қилинадиган халқаро

даражадаги етказиб бериш (Литва ҳукумати билан Битимнинг 4-моддаси, Латвия ҳукумати билан Битимнинг 9-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 5-моддаси);

- атроф муҳит ва аҳоли саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган товарлар ва юклар; қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи ва заҳарловчи моддалар, портлатиш қурилмалари; муҳим тарихий, бадий, маданий ёки археологик қийматга эга бўлган буюмлар; Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ юқори бож пошлиналари ёки солиқлари солинадиган товарларни; божхона хизматлари томонидан келишилган рўйхатларга мувофиқ алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган нотариф чеклашлар қўлланиладиган товарларнинг ташилиши ҳақидаги маълумотларни ўзаро етказиб бериш (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 6-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 6-моддаси);

- бир-бирларига янги техник ёрдам воситалари қўлланилаётганлиги тўғрисида хабар бериш, божхона хизматлари томонидан фойдаланилаётган ўзаро қизиқиш уйғотадиган техник воситалар билан танишиш мақсадида божхона хизматчилари билан алмашиш, божхона ходимларини ўқитиш ва уларнинг махсус малакаларини такомиллаштиришда ёрдам бериш, бож масалаларига дахлдор касб, илмий ва техник ахборотларни алмашиш (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 8-моддаси, Туркия ҳукумати билан Битимнинг 3-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 8-моддаси, Нидерландия қироллиги билан Битимнинг 5-моддаси);

- сўров асосида божхона ҳуқуқбузарликлари юзасидан текширув ва тергов ўтказиш ҳамда унинг натижаларини сўраган тарафга маълум қилиш (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 9-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 9-моддаси,);

- бир Аҳдлашувчи Томоннинг суд ёки маъмурий органлари кўриб чиқаётган бож қонунчилиги бузилишлари муносабати билан тегишли сўров билан мурожаат қилганда бошқа Аҳдлашувчи Томон божхона хизмати томонидан ўз хизматчиларини бундай суд ёки маъмурий

текширувларда гувоҳ ёки эксперт сифатида қатнашиш учун вакил қилиши (Грузия ҳукумати билан Битимнинг 10-моддаси, Қозоғистон ҳукумати билан Битимнинг 10-моддаси, Эрон ҳукумати билан Битимнинг 9-моддаси, Корея Республикаси ҳукумати билан Битимнинг 11-моддаси, Нидерландия қироллиги билан Битимнинг 11-моддаси).

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик борасида тузилган битимлар божхона соҳасидаги турли масалаларда, жумладан, давлатлар ўртасида йўловчилар ва юк ташишни расмийлаштиришларини соддалаштириш; транзит товарлар ва транспорт воситаларини божхона текширувидан озод этиш; товарларнинг қонуний экспортга ёки импортга тегишлилиги, тақдим этилган расмий ҳужжатларнинг аслига тўғрилиги ҳақида, божхона қонунларини бузган жисмоний ёки юридик шахслар, ноқонуний оборотда ишлатилаётган товарлар ва транспорт воситалари, божхона қонунларини бузишда татбиқ этилаётган усул ва воситалар ҳақидаги, божхона қонунчилигини бузган шахслар, товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши, олиб чиқилиши ҳақидаги, гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар контрабандаси ёки ноқонуний обороти билан шуғулланаётган шахслар ҳақидаги, ана шундай фойдаланишда гумон қилинаётган ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситалари контейнерлари ва посилкалари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш, сўров асосида текширув ва тергов ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунсиз оборотида иштирок этувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини кўриш мақсадида назорат қилинадиган халқаро даражадаги етказиб беришда ҳамкорлик, божхона соҳасига янги технологиялар татбиқ этилишида, кадрлар алмашинувида ҳамкорлик, гувоҳ ва экспертларнинг вакил сифатида иштирокини таъминлаш масалаларида ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилади.

2-боб бўйича хулосалар

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва бу борада дунёнинг кўплаб давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. Ўз навбатида мустақилликнинг дастлабки йилларида божхона соҳасидаги ҳамкорлик борасила ҳам ижобий қадамлар ташланганини таъкидлаш мумкин.

Мазкур ҳамкорлик биринчи навбатда давлатларнинг божхона соҳасидаги қонунчилигини бирхиллаштириш асосида давлатлараро савдотик ва бошқа кўплаб алоқаларни ривожлантириш, ўз навбатида божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга, шунингдек, трансмиллий жиноятларга қарши курашишда самарали ҳамкорлик олиб боришга қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Божхона соҳасидаги халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенцияларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг давлатлар ўртасидаги божхона муносабатларини мувофиқлаштириш, товарларни экспорт-импорт қилишда божхона божлари ва бошқа йиғимларни тўлашда имтиёз ва енгилликлар белгилаш, ўз навбатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, муомаладан чиқарилган товарларнинг божхона чегаралари олиб ўтилишининг олдини олиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Ўз навбатида мамлакатимиз ҳукумати томонидан қўшилган халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси учун бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан келиб чиққан товарларнинг импортига нисбатан божхона божларини қўлланмаслиги, денгиз ва денгиз қирғоғига эга бўлмаган давлат ўртасида жойлашган давлатлар мазкур давлат билан умумий келишувга кўра ҳамда мавжуд халқаро конвенцияларга мувофиқ денгиз қирғоғига эга бўлмаган давлатга ўзаролик асосида ўз ҳудудидан эркин ўтиш йўлини тақдим этиши ва

мазкур давлат байроғи остида ҳаракатланадиган кемаларга ўз кемалари ва бошқа кемалар билан тенглик шартлари асосида денгиз портларига чиқишга ва улардан фойдаланишга рухсат беришлари лозимлиги, транзит товарларидан божхона божлари олиниши мумкин эмаслиги, транспорт воситаларининг пломбаланган таркибларида ёки пломбаланган контейнерларда ташиладиган юклар оралиқ божхоналарда кўриқдан ўтказилмаслиги, вақтинчалик кириш таомиллари асосида олиб кирилган контейнерлар улар олиб кирилган санадан бошлаб 3 ой давомида олиб чиқилиши лозимлиги, ўз навбатида мазкур муддат ваколатли божхона органлари томонидан узайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимиз ва кўплаб хорижий давлатлар ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар тузилган бўлиб, мазкур битимлар божхона соҳасидаги турли масалаларда, жумладан, давлатлар ўртасида йўловчилар ва юк ташишни расмийлаштиришларини соддалаштириш; транзит товарлар ва транспорт воситаларини божхона текширувидан озод этиш; товарларнинг қонуний экспортга ёки импортга тегишлилиги, тақдим этилган расмий ҳужжатларнинг аслига тўғрилиги ҳақида, божхона қонунларини бузган жисмоний ёки юридик шахслар, ноқонуний оборотда ишлатилаётган товарлар ва транспорт воситалари, божхона қонунларини бузишда татбиқ этилаётган усул ва воситалар ҳақидаги, божхона қонунчилигини бузган шахслар, товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши, олиб чиқилиши ҳақидаги, гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар контрабандаси ёки ноқонуний обороти билан шуғулланаётган шахслар ҳақидаги, ана шундай фойдаланишда гумон қилинаётган ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситалари контейнерлари ва посилкалари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш, сўров асосида текширув ва тергов ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунсиз оборотида иштирок этувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини кўриш мақсадида назорат қилинадиган халқаро даражадаги етказиб беришда ҳамкорлик,

божхона соҳасига янги технологиялар татбиқ этилишида, кадрлар алмашинувида ҳамкорлик, гувоҳ ва экспертларнинг вакил сифатида иштирокини таъминлаш масалаларида ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилади.

**3-БОБ. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО
БИТИМЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА
ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**
**§ 3.1. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИ
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ
ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунё мамлакатлари томонидан тан олиниб, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹ 17-моддасида белгиланганидек, “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”.

Дунё мамлакатлари билан муносабатга киришишнинг воситаларидан бири бу улар билан битим ва шартномалар имзолаш ҳисобланади. Айнан божхона соҳасидаги халқаро битимларни имзолаш ва уларни ратификация қилиш масалалари ҳам миллий қонунчилигимизда халқаро ҳужжатларни имзолаш ва ратификация қилиш борасида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Миллий қонунчилигимизда халқаро шартномаларга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мазкур Қонуннинг 4-моддаси 2-қисмида “Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлади. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2015. 3-б.

масалалар бўйича тузилиши мумкин”лиги. шунингдек, 6-моддасида “Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг объекти бўлиши мумкин”лиги белгиланган.

Ўз навбатида Қонуннинг 13-моддаси 1-қисмида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради ва халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ махсус ваколатларсиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди”, деб белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз номидан имзоланган аксарият халқаро шартномалар Президентимиз томонидан имзоланганини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, Қонуннинг 14-моддаси 1-қисмида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилиниши 16-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлисининг тўхтами — қарор шаклида қабул қилиниши белгиланган. Бу борада “ратификация” атамасининг моҳиятига эътибор қаратсак, А.Б.Борисовнинг юридик атамалар луғатига кўра “ратификация” – лотинча *ratus* – тасдиқланган ва *facere* – бажармоқ сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган бўлиб, халқаро шартнома ёки келишувнинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланишини англатади¹.

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартномалар ратификация қилинганидан сўнг улар кучга киради. Бунда уларнинг кучга кириш муддатлари ва тартиби Қонуннинг 23-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра “Халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун ушбу Қонунга мувофиқ шартномада назарда тутилган ёки аҳдлашувчи томонлар ўртасида

¹ Борисов А.Б. Большой юридический словарь. – М.: Книжный мир, 2010. – С.632.

келишилган тартибда ва муддатларда кучга киради”.

Ўз навбатида ратификация қилинган халқаро шартномаларга Ўзбекистон Республикасининг риоя этиши борасида Қонуннинг 27-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қатъий ва мажбурий равишда риоя этмоғи лозим”лиги белгиланган. Бунинг учун Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш чоратадбирларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулият юклатиладиган вазирликлар, идоралар ва мансабдор шахсларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ваколат доирасига кирадиган бошқа давлат органлари шартнома бўйича Ўзбекистон томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдилар, бундай шартномалардан келиб чиқувчи Ўзбекистон Республикасига тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилишини ва шартномалар бошқа иштирокчиларининг ўз мажбуриятларини бажаришини кузатиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади”. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини Ташқи ишлар вазирлиги кузатиб боради.

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, халқаро шартномаларни тузиш, уларни имзолаш, ратификация қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга оид қоидалар миллий қонунчилигимизда лозим даражада белгиланган.

Ўз навбатида божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши хусусида сўз борганда

таъкидлаш мумкинки, бу борада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси¹ алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур кодекс Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 17 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган бўлиб, 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-400-сон Қонуни билан тасдиқланган ҳамда 2016 йил 21 апрелдан бошлаб кучга кирган.

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси 12 та бўлим, 59 та боб ва 412 та моддадан ташкил топган бўлиб, унда энг аввало божхона фаолиятига доир 31 та (ўз кучини йўқотган Божхона кодексида 16 та эди) тушунчалар аниқ ва тушунарли тарзда ифодалаб берилган.

Шунингдек, Кодексда божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товар ва транспорт воситаларини аниқ божхона режимида расмийлаштириш қоидалари тартибга солинган бўлиб, 16 турдаги (ўз кучини йўқотган Божхона кодексида 15 та эди) божхона режимлари, уларни қўллаш ва тугатиш шартлари ҳамда тартиблари батафсил ёритилган.

Ундан ташқари, Божхона кодекси янги 5 та, шу жумладан, маълумотлар олиш, божхона кўздан кечируви, товарлар махсус белгилар билан маркаланганлигини текшириш, товарлар чиқарилгандан кейинги божхона назорати, божхона кузатуви каби божхона назоратининг янги шакллари билан тўлдирилган (ўз кучини йўқотган Божхона кодексида божхона назорати шакллари 7 та эди).

Янги таҳрирдаги Божхона кодексида божхона тўловларини тўлаш тартиби, шакли ва муддатлари батафсил ёритилган бўлиб, мазкур кодекснинг кучга кириши билан бир қатор қонун нормалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг олдинги Божхона кодекси ҳамда “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуни ўз кучини йўқотган.

Ўз навбатида янги таҳрирдаги Божхона кодексининг аҳамиятли

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(1)-сон, 31-модда.

жиҳати шундаки, ўз кучини йўқотган Божхона кодексидан фарқли тарзда унда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг қоидалари ўз аксини топган, яъни бу билан мазкур битимларнинг қоидалари ушбу кодекс орқали миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган.

Ўз навбатида Божхона кодексининг 2-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгиланган.

Мазкур кодексда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг қоидаларини имплементация қилган бир қатор нормаларни кузатиш мумкин. Жумладан, 18-моддада Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда:

– автотранспорт воситасида халқаро ташиш чоғида ташувчи божхона органига тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатлар қаторида Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена, 1968 йил 8 ноябрь) мувофиқ автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

– юklar халқаро йўлларда ташиш (бундан буён матнда ХЙТ деб юритилади) дафтарчасини қўллаган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юklarни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) талабларига мувофиқ автотранспорт воситасига юklarни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

– ташувчи томонидан тақдим этиладиган товарга тааллуқли ҳужжатлар қаторида Юklarни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция (Женева, 1956 йил 19 май) талабларига мувофиқ товар-транспорт юк хати; юklar ХЙТ дафтарчаси қўлланилган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юklarни халқаро

ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясига (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ХЙТ дафтарчаси;

– ҳаво транспортида халқаро ташиш чоғида ташувчи томонидан Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь) мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар, яъни бош декларация; юк қайдномаси; авиа юк хати; авиа юк хатига илова қилинадиган тижорат ҳужжатлари; халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар;

– темир йўл транспортида халқаро ташиш чоғида Халқаро темир йўл юк йўналишлари тўғрисидаги битимга (1951 йил 1 ноябрь) мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар, яъни товарнинг кузатув ҳужжатлари; темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибига доир топшириш қайдномаси; халқаро почта жўнатмаларини кузатиб бориш учун Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги белгиланган.

Мазкур модда мазмунидан англашиладики, унда қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг халқаро ташишга оид қоидаларини имплементация қилган ва бу билан миллий қонунчилигимизнинг халқаро ташишга оид қоидаларини халқаро шартномалар қоидалари билан бирхиллаштирган. Бунинг аҳамияти шунда намоён бўладики, товарларни экспорт-импорт қилиш муносабатларида товарларни бевосита ташувчилар мамлакатимиз божхона чегарасини кесиб ўтаётган халқаро битимлар қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатларни тақдим этишади ва бу уларга енгилликлар яратади.

Ўз навбатида бундай енгилликлар янги таҳрирдаги Божхона кодексининг 197-моддаси 4-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра “Чет давлатларнинг божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўйилган пломбалар, муҳрлар ёки бошқа божхона идентификациялаш воситалари божхона

идентификациялаш воситалари сифатида эътироф этилиши мумкин”.

Шунингдек, Божхона кодексининг 228-моддасига кўра “транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун транспорт воситаси Кодексининг 227-моддасининг биринчи қисми талабларига ва ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясида (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлиши керак”. Бу эса транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳноманинг олинишида енгиллик яратади. Сабаби ташувчи ташиш чоғида 1975 йилги ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясида белгиланган қоидаларга амал қиладиган бўлса, мазкур конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг ўз қонунчилигини мазкур конвенция қоидалари билан бирхиллаштиргани ташувчига барча божхона назоратидан бир конвенция талабларига мувофиқ келувчи хил ҳужжатлар асосида ўтиш имконини беради.

Ўз навбатида халқаро ташишларда божхона расмийлаштирувида енгилликлар яратиш мақсадида Божхона кодекси 246-моддасида “Бошқа давлатларнинг божхона назорати учун фойдаланиладиган ҳужжатлари божхона расмийлаштирувини соддалаштириш ва тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўлланилиши мумкин”лиги, 263-модданинг 3-қисмида эса “Божхона органига халқаро ташишларда қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин”лиги белгиланган.

Шунингдек, Божхона кодексида божхона назоратига оид бошқа нормалар ҳам халқаро битимлар талаблари асосида белгиланган. Жумладан, кодексининг 21-моддаси 2-қисмига кўра “Божхона назорати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари

томонидан амалга ошириладиган, шу жумладан хавфни бошқариш тизими қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборат”.

Ўз навбатида 206-моддада хавфни бошқариш тизимини қўллашда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, ташувчилар, божхона иши соҳасида лицензияларга ва рухсатномаларга эга бўлган шахслар томонидан юк, йўловчилар, транспорт воситалари тўғрисида дастлабки тарзда тақдим этилган ахборотдан фойдаланилиши, божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан дастлабки ахборот алмашинувини амалга оширишлари белгиланган. Бу эса мамлакатимиз ҳудудига четдан олиб кириладиган юклар ва товарлар, ўз навбатида шахслар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида бошқа далаатлар божхона идоралари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Ўз навбатида мамлакатимиз ҳудуди орқали халқаро ташувларни амалга оширувчи ташувчилар учун енгиллик яратиш мақсадида Божхона кодексининг 64-моддаси 4-қисмида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ олиб кириладиган товарларнинг вақтинча олиб кириш муддати ваколатли шахснинг аризаси асосида божхона органи томонидан икки йилдан кўпроқ муддатга узайтирилиши мумкинлиги, бундай товарларни вақтинча олиб кириш муддати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасининг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қайд этилган.

Ўз навбатида мазкур кодексда халқаро битимлар талабларидан келиб чиқиб, бир қатор божхона имтиёзлари белгиланганини қайд этиш мумкин.

Жумладан, кодекснинг 300-моддаси 2-қисмида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларда ишлаб

чиқарилган ва ушбу давлатлардан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан божхона божлари қўлланилмайди.

Ўз навбатида миллий импорт қилувчи тадбиркорларимизни қўлаб қувватлаш мақсадида мазкур моддада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва унинг божхона ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларга олиб чиқилган товарларга нисбатан ҳам божхона божлари қўлланилмаслиги белгиланган.

Бу эса ўзаролик тамойили асосида давлатлараро савдо-сотиқни янада ривожлантириш, ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш корхоналаримизнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ундан ташқари, мазкур кодексда чет давлатларнинг вакиллари ва делегациялари аъзолари, божхона ҳудуди орқали транзит тарзида ўтадиган дипломатик агентлар, консуллик мансабдор шахслари, чет давлатларнинг вакиллари ва делегация аъзолари, халқаро ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, улар ҳузуридаги чет давлатлар ваколатхоналари, шунингдек уларнинг ходимлари учун, ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхонасининг дипломатик агентлари ва консуллик муассасаларининг консуллик мансабдор шахслари, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхонасининг ва консуллик муассасасининг маъмурий-техник ходимлари учун божхона имтиёзлари белгиланган.

Қайд этилган нормаларнинг барчаси хорижий ва миллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, хорижий давлатлар расмий вакиллари учун мамлакатимиз божхона ҳудудида қулай муҳит яратилишига ва бу ўз навбатида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан нафақат савдо-сотиқ соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорликни амалга оширишига хизмат қилади.

Шу билан бирга Божхона кодексида миллий чегараларимизни қўриқлаш, мамлакатимиз ҳудудига турли тақиқланган предметларнинг олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан, кодекснинг 365-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ товарлари божхона ҳудудига олиб кирилиши мумкин бўлмаган мамлакатда ишлаб чиқарилганлигига асослар мавжуд бўлган тақдирда божхона органи товарни божхона ҳудудига олиб киришни рад этиши мумкин”лиги белгиланган.

Ўз навбатида мамлакатимиз божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни ишлаб чиқариш ва уларни етказиш билан шуғулланувчи барча шахсларни аниқлаш, бунинг асосида уюшган жиноятчиликка барҳам бериш мақсадида Божхона кодексида назорат остида етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бунда мазкур назорат остида етказиб беришнинг қуйидаги жиҳатларини қайд этиш мумкин:

- уларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар халқаро ноқонуний муомалада бўлишининг олдини олиш ҳамда бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида амалга оширилиши;

- божхона органлари ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатнинг божхона органлари ва бошқа ваколатли органлари билан келишувларга кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланиши, яъни ноқонуний муомалага киритилган гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва прекурсорларнинг ўз назорати остида божхона ҳудудига олиб кирилишига, бу ҳудуддан олиб чиқилишига ёки транзит тарзида олиб ўтилишига йўл қўйилиши;

- назорат остида етказиб бериш усули жиноят содир этиш қуроли ёки

воситаси бўлган бошқа ашёларга ёхуд жинойий йўл билан топилган ашёларга ёки улар билан қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар содир этиш контрабанда ҳисобланувчи ашёларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги;

– назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қабул қилиниши;

– божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикасида жинойят иши қўзғатилмаслиги;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қабул қилинган қарор тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини дарҳол хабардор қилиши;

– божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган, эркин реализация қилиш тақиқланган ёки муомаласига қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензия ёки рухсатнома асосида йўл қўйиладиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва бошқа ашёлар назорат остида етказиб берилаётганда бу товарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши ёки алмаштирилиши мумкинлиги;

– одамларнинг соғлиғи, атроф муҳит учун катта хавф туғдирадиган ёхуд оммавий қирғин қуроли тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ашёлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда алмаштирилиши кераклиги.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, янги таҳрирдаги Божхона кодексида Ўзбекистон Республикасининг божхона соҳасидаги халқаро битимлари нормалари имплементация қилингани мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан божхона соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

§ 3.2. БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг қоидаларини имплементация қилиш борасида янги таҳрирдаги Божхона кодексининг қабул қилиниши орқали катта қадам ташлангани ижобий ҳолат саналади.

Бу нафақат хорижий давлатлар билан савдо-сотик ишларида, балки терроризм, экстремизм, наркотрафик, контрабанда, уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида миллий қонунчилигимизга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилмоқда.

Жумладан, Божхона кодекси 235-моддасига кўра божхона ташувчиси ушбу Кодекснинг 236-моддасида белгиланган талаб ва шартларга жавоб берувчи Ўзбекистон Республикаси юридик шахси бўлиб, у Божхона ташувчиларининг реестрига киритилганидан кейин божхона ташувчиси деб эътироф этилади. Ўз навбатида Кодекснинг 236-моддасида Ўзбекистон Республикаси юридик шахсини Божхона ташувчиларининг реестрига киритиш шартларидан бири сифатида товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқли автотранспорт воситаларининг борлиги белгиланган, яъни мазкур қонданнинг мазмунидан англашиладики, юридик шахсни Божхона ташувчилари реестрига киритилиши учун яроқли автотранспорт мавжудлигининг ўзи етади. Бу борада ўзи хос муаммо шундаки, мазкур автотранспорт воситаси кимга тегишли бўлиши лозимлиги тартибга солинмаган. Бизнингча, бу нотўғри. Сабаби мазкур норма юридик шахсни Божхона ташувчилари реестрига киритилиши жараёнида юридик шахсни у томонидан кўрсатилган ташиш учун автотранспортнинг эгасини кўрсатиш мажбуриятидан озод этади. Бу эса

ташиш фаолияти билан профессионал тарзда шуғулланишга катта тўсқинлик қилади. Юкларни халқаро ташишни амалга ошириш ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқ фаолият бўлиб, унинг ҳар томонлама хавфсиз тарзда амалга оширилиши учун унга нисбатан профессионал ёндашув талаб этилади. Шу сабабли ҳам Кодекснинг 236-моддаси 1-қисм 3-бандининг қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ:

“ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб, ушбу автотранспорт воситалари ушбу Кодекснинг 227-моддаси талабларига мувофиқ товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқли эканлиги”.

Шунингдек, Божхона кодексининг 176-моддасига кўра “Божхона омборининг, бож олинмайдиган савдо дўконининг ва эркин омборнинг фаолиятини лицензиялаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади. Божхона омбори ва эркин омбор эгаларининг товарларни ва транспорт воситаларини омборларга жойлаштираётган шахслар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади”.

Бироқ, кодексда қайд этилган омборларнинг мулкдори, яъни юридик шахсларнинг мажбуриятлари, жавобгарлигини белгиловчи нормалар белгиланмаган. Балки бунда қонун чиқарувчи уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги уларнинг омбордан фойдаланувчи шахслар билан тузадиган шартномаларида белгиланади, деган қараш асосида бунга эътибор қаратмагандир. Бироқ, бизнингча бу нотўғри. Сабаби божхона назоратидан ўта олмаганлиги сабабли транспорт воситаси ёки товарларни божхона омборига жойлаштиришга мажбур бўладиган ташувчи агар чет эл фуқароси бўлиб, ўзбек ёки рус тилларини билмаса, омбор эгаси эса унга унинг тилида ёки инглиз тилида шартнома бера олмаслигини важ қилиб келтирса ёки умуман ташувчи шартномани ўқий олсада, омбор эгаси унга фақат ўзининг манфаатлари акс этган, ташувчининг ҳуқуқлари лозим

даражада белгиланмаган шартномани таклиф қилса ва бошқача шартнома бермаслигини билдирса, ташувчи ушбу шартномани имзолашга мажбур бўлади. Сабаби у тўхтаб қолган божхона ҳудудида фақат ўша божхона омборидан бошқа омбор бўлмаслиги мумкин.

Бизнингча, омбор мулкдори бўлган юридик шахс ва ташувчи ўртасида тузиладиган битимда омбор мулкдорининг томонида товарларнинг бут сақланишига жавобгарлиги, бу борада фуқаролик жавобгарлиги суғурталангани, унинг омбор ҳудудига бегона шахсларнинг киришига йўл қўймаслиги мажбуриятларининг белгиланиши муҳим ҳисобланади. Мазкур қоидаларнинг омбор мулкдори ва ташувчи ўртасидаги битимда белгиланишини назорат қилиш мушкул. Шу сабабли ташувчиларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда янги таҳрирдаги Божхона кодекси 176-моддасини қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Бунда лицензия тақдим этилиши шартлари қуйидагилардан иборат:

– ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида омбор сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган бино, иншоот ёки майдонларнинг мавжудлиги ва уларнинг санитария-эпидемиология талабларига жавоб бериши;

– Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фуқаролик жавобгарлиги хавфини суғурталаш шартномаси борлиги”.

Ўз навбатида Божхона кодексини қуйидаги мазмундаги 176¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“176¹-модда. Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омбор мулкдорининг мажбуриятлари.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омбор мулкдори қуйидагиларга мажбур:

– омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг бут сақланишини таъминлаш;

– омбор ходими бўлмаган, омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган бегона шахсларни, шунингдек, бегона транспорт воситаларининг омборга киришига йўл қўймаслик;

– омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг ҳисобини юритиш ва бу ҳақдаги маълумотларни божхона вакилининг талаби билан тақдим этиш;

– божхона хизмати ходимларининг қонуний талабларини бажариш”.

Шунингдек, 2009 йил 27 ноябрда Евросиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти доирасида Минскда имзоланган Божхона Иттифоқи Божхона кодексининг 60-моддасида товарнинг келиб чиқиши декларацияси келтирилган бўлиб, унинг ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки жўнатувчи томонидан ёзилган, ўзида товар ишлаб чиқарилган давлат ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ариза эканлиги, бундай декларация сифатида ҳар қандай тижорат ёки товарларга тааллуқли бошқа ҳужжатлар фойдаланилиши мумкинлиги белгиланган.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексига эса товар ишлаб чиқарилган жойни тасдиқловчи ҳужжат сифатида фақатгина товарнинг сертификати белгиланган (363-моддада). Божхона Иттифоқи Божхона кодексининг ҳозирда Россия Федерацияси ва Беларусь давлатларида амалда эканлигини, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ушбу давлатлар билан яқин савдо-сотиқ алоқаларини олиб боришини инобатга олиб, мазкур давлатлар билан божхона соҳасидаги қонунчиликни бирхиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“363¹-модда. Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация.

Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация бу ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки жўнатувчи томонидан ёзилган, ўзида товар ишлаб чиқарилган давлат ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат бўлиб,

бундай декларация сифатида товарларга тааллуқли ҳар қандай ҳужжатлар фойдаланилиши мумкин”.

Шунингдек, Божхона кодексида давлатларнинг божхона соҳасидаги ҳамкорлигига бағишланган бир неча моддалар белгиланган. Бироқ, мазкур моддалар давлатлар божхона хизматлари ўртасида фақат дастлабки ахборот алмашинуви ва назорат остида етказиш билан чекланган бўлиб, бизнингча, бу божхона соҳасида самарали ҳамкорлик учун етарли эмас.

Шу боисдан Божхона кодексининг “Назорат остида етказиб бериш” деб номланган 11-бўлимини “Божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик” тарзида ўзгартириш ҳамда мазкур бўлимни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

“406¹-модда. Божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик ва унинг шакллари.

Божхона соҳасидаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, уларни тергов қилиш ва баратараф этиш мақсадида божхона соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида имзоланган битим ва келишувлар доирасида давлатлар ўртасида ўзаролик принципи асосида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Бундай ўзаро ҳуқуқий ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот алмашинуви;

б) божхона органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўзаро тан олиниши;

в) сўраётган давлатнинг сўровига асосан мазкур Кодексида белгиланган божхона назорати шакллари амалга ошириш.

Давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот алмашинуви доирасида тақдим этилган ҳар қандай маълумотдан фақатгина божхона мақсадларида фойдаланилади ҳамда уларни ошкор қилишга ёки учинчи шахсларга тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга мувофиқ божхона соҳасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг бошқа шакллари ҳам тақдим этилиши мумкин”.

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасида илгари сурилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишини бардавом этишга, давлатлараро савдосотиқни янада ривожлантиришга, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, хусусан, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласи, одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ўз навбатида мамлакатимиз томонидан халқаро битимлар доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

3-боб бўйича хулосалар

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дунё мамлакатлари томонидан тан олинб, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ҳамда бу борада давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. Бундай ҳамкорликнинг воситаларидан бири бу халқаро ҳуқуқ субъектлари билан битим ва шартномалар имзолаш ҳисобланади. Айнан божхона соҳасидаги халқаро битимларни имзолаш ва уларни ратификация қилиш масалалари ҳам миллий қонунчилигимизда халқаро ҳужжатларни имзолаш ва ратификация қилиш борасида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Миллий қонунчилигимизга кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади. Ўз навбатида мамлакатимиз Ҳукумати уларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлайди.

Ўз навбатида божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши хусусида сўз борганда таъкидлаш мумкинки, бу борада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан божхона соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида миллий қонунчилигимизга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Божхона кодексига ташувчиларнинг реестрга киритилиши учун талаб қилинадиган ҳужжатлар қаторида уларнинг ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб, ушбу автотранспорт воситалари товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқли

эканлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, божхона омборининг, бож олинмайдиган савдо дўконининг ва эркин омборнинг фаолиятини лицензиялашда талаб қилинадиган ҳужжатлар сифатида ушбу омборлар мулкдорларининг ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида омбор сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган бино, иншоот ёки майдонларнинг мавжудлиги ва уларнинг санитария-эпидемиология талабларига жавоб беришини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фуқаролик жавобгарлиги ҳавфини суғурталаш шартномаси борлигини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида Божхона кодексида божхона омборининг, бож олинмайдиган савдо дўконининг ва эркин омбор мулкдорининг мажбуриятларини, жумладан, уларнинг омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг бут сақланишини таъминлашга, омбор ходими бўлмаган, омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган бегона шахсларни, шунингдек, бегона транспорт воситаларининг омборга киришига йўл қўймасликка, омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг ҳисобини юритиш ва бу ҳақдаги маълумотларни божхона вакилининг талаби билан тақдим этишга, божхона хизмати ходимларининг қонуний талабларини бажаришга мажбур эканликларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, мамлакатимизга яқин қўшни мамлакатлар билан божхона қонунчилигини бирхиллаштириш мақсадида Божхона кодексига товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларациянинг белгиланишини мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида божхона соҳасида давлатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Божхона кодексини Божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик ва унинг шакллариини белгиловчи модда билан тўлдириш ҳамда унда божхона соҳасида ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг бир қатор шакллариини, жумладан, давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот

алмашинуви; божхона органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўзаро тан олиниши; сўраётган давлатнинг сўровига асосан мазкур Кодексда белгиланган божхона назорати шакллари амалга оширишни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот алмашинуви доирасида тақдим этилган ҳар қандай маълумотдан фақатгина божхона мақсадларида фойдаланилиши ҳамда уларни ошкор қилишга ёки учинчи шахсларга тақдим этишга йўл қўйилмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасида илгари сурилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишини бардавом этишга ва бу билан мамлакатимиз томонидан халқаро битимлар доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлашга, ўз навбатида мамлакатимиз божхона ҳудудидан ўтувчилар учун қулай муҳит яратилишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ томонидан эътироф этилган ўзига хос усул ва воситалар орқали амалга оширилади. Бундай воситалар қаторида халқаро шартномаларнинг ўрни беқиёс.

Халқаро шартнома тушунчаси борасидаги қарашлар ва божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳли қилиш асосида божхона соҳасидаги халқаро битимлар тушунчасига “давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида тузиладиган, божхона чегарасидан товарлар, жисмоний шахслар, предметлар, хизматлар ва капитал ўтиши жараёнида вужудга келувчи давлатлар ўртасидаги махсус муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро шартномалар” деб таъриф бериш мумкин.

Халқаро божхона ҳуқуқида ҳам мажбуриятларнинг манбаи бу ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Сабаби айнан улар асосида халқаро божхона муносабатларининг ҳуқуқий оқибатлари вужудга келади.

Ўз навбатида халқаро божхона битимларининг давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг қарийб барча йўналишларини, жумладан, ташқи савдо, халқаро ташишлар, туризм, халқаро иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, халқаро почта айланмаси, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, радиоактив материаллар ва муомаласи чекланган бошқа материалларни ғайриқонуний равишда олиб киришни келтириш мумкин.

Ўз навбатида мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида божхона соҳасидаги ҳамкорлик борасида ҳам ижобий қадамлар ташланганини, бу борада Ўзбекистон Республикасининг халқаро Божхона ташкилотига аъзо бўлганини ва ҳозирги кунга қадар божхона соҳасига оид 15 дан ортиқ конвенцияларни ратификация қилган бўлиб, мазкур ҳамкорлик давлатлараро савдо-сотиқни ривожлантириш, ўз навбатида божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга, шунингдек, трансмиллий

жиноятларга қарши курашишда самарали ҳамкорлик олиб боришга қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Ўз навбатида божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби унда ўз кучини йўқотган Божхона кодексидан фарқли тарзда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг нормаларини имплементация қилинган.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида миллий қонунчилигимизга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Божхона кодексининг 236-моддаси 1-қисм 3-бандининг қуйидаги таҳрирда ўзгартирилиши:

“ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб, ушбу автотранспорт воситалари ушбу Кодекснинг 227-моддаси талабларига мувофиқ товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқли эканлиги”;

2. Божхона кодекси 176-моддасини қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдириш:

“Бунда лицензия тақдим этилиши шартлари қуйидагилардан иборат:

– ўз мулкида, хўжалик юритуви ва оператив бошқарувида ёки ижара асосида омбор сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган бино, иншоот ёки майдонларнинг мавжудлиги ва уларнинг санитария-эпидемиология талабларига жавоб бериши;

– Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фуқаролик жавобгарлиги хавфини суғурталаш шартномаси борлиги”;

3. Божхона кодексини қуйидаги мазмундаги 176¹-модда билан тўлдириш:

“176¹-модда. Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омбор мулкдорининг мажбуриятлари.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омбор мулкдори қуйидагиларга мажбур:

- омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг бут сақланишини таъминлаш;
- омбор ходими бўлмаган, омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган бегона шахсларни, шунингдек, бегона транспорт воситаларининг омборга киришига йўл қўймаслик;
- омборда сақланаётган товарлар ёки транспорт воситаларининг ҳисобини юритиш ва бу ҳақдаги маълумотларни божхона вакилининг талаби билан тақдим этиш;
- божхона хизмати ходимларининг қонуний талабларини бажариш”;

4. Божхона кодексини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш:

“363¹-модда. Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация.

Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги декларация бу ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки жўнатувчи томонидан ёзилган, ўзида товар ишлаб чиқарилган давлат ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат бўлиб, бундай декларация сифатида товарларга тааллуқли ҳар қандай ҳужжатлар фойдаланилиши мумкин”.

5. Божхона кодексининг “Назорат остида етказиб бериш” деб номланган 11-бўлимини “Божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик” тарзида ўзгартириш ҳамда мазкур бўлимни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“406¹-модда. Божхона соҳасида халқаро ҳамкорлик ва унинг шакллари.

Божхона соҳасидаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, уларни тергов қилиш ва баратараф этиш мақсадида божхона соҳасидаги

ҳамкорлик ҳақида имзоланган битим ва келишувлар доирасида давлатлар ўртасида ўзаролик принципи асосида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Бундай ўзаро ҳуқуқий ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот алмашинуви;

б) божхона органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўзаро тан олиниши;

в) сўраётган давлатнинг сўровига асосан мазкур Кодексида белгиланган божхона назорати шакллари амалга ошириш.

Давлатларнинг божхона хизматлари ўртасида маълумот алмашинуви доирасида тақдим этилган ҳар қандай маълумотдан фақатгина божхона мақсадларида фойдаланилади ҳамда уларни ошкор қилишга ёки учинчи шахсларга тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга мувофиқ божхона соҳасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг бошқа шакллари ҳам тақдим этилиши мумкин”.

Қайд этилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликка оид миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасида илгари сурилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро битимларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишини бардавом этишга, давлатлараро савдосотиқни янада ривожлантиришга, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, хусусан, терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласи, одам савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ўз навбатида мамлакатимиз томонидан халқаро битимлар доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Божжхона кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3(I)-сон, 31-модда.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 262-модда.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 187-I-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 277-модда.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 131-I-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 206-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 295-I-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 158-модда.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 160-модда.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-362-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 687-модда.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1993. Б.39.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1993. Б.184.
- 2.3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2006. Б.191.
- 2.4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2006. Б.134.
- 2.5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. 11-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2003. Б.61.
- 2.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т.: “Ўзбекистон”. 2002. Б.107.
- 2.7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1998. Б.161.
- 2.8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-

том. Т.: “Ўзбекистон”. 1999. Б.33.

2.9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т.: “Ўзбекистон”. 1998. Б.119.

III. АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

3.1. Бирюков П.Н. Международное право. Учебное пособие. М.: Юристъ. 1998. С.22.

3.2. Лукашук И.И. Современное право международных договоров. М.: «Волтерс Клувер», 2004. С.47.

3.3. Международное право/Отв. ред. В.И. Кузнецов, М., 2001. С.94.

3.4. Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.10.

3.5. Куркин Б.А. Международное право: Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2008. С.57.

3.6. Борисов К.Г. Международное таможенное право: Учеб. пособие. Изд. 2-е. доп. - М.: Изд-во РУДН, 2001. – С.13.

3.7. Хайд Ч.Ч. Международное право. Т. 1. М., 1950. С.252.

3.8. Yearbook of the ILC. 1966. Vol. II. P. 188.

3.9. Талалаев А.Н. Венская конвенция о праве международных договоров. Комментарий. М., 1997. С.146.

3.10. Мартенс Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т. 1. СПб., 1904. С.399.

3.11. Бирюков П.Н. Международное право. Учебное пособие. М.: Юристъ. 1998. С.64.

3.12. Куркин Б.А. Международное право: Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2008. С.55.

3.13. Жозе Дория. Экономический суверенитет Анголы (международно-правовые проблемы). М., 1997. С.60.

3.15. Лазарев М.И. Теоретические вопросы современного международного права. М., 1983.

IV. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

4.1. Колосов Ю.М. Некоторые современные вопросы международного права // СГП. 1990. N 11. С.85.

4.2. Zamora S. Is there customary International Economic Law. «Jahrbuch fur Internationales Recht». В., 1989.

4.2. Док. ООН. А/CN. 4/486 от 5 марта 1998 г. Комиссия международного права. С. 59-131.

4.3. Борисов А.Б. Большой юридический словарь. – М.: Книжный мир, 2010. – С.632.

V. ИНТЕРНЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ

- 5.1. www.lex.uz
- 5.2. www.consultant.ru
- 5.3. <http://www.pavlodar.com>
- 5.4. <http://www.customs.uz>